Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 119 (20. 686) • 1990 йил 26 май, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

СССР Президенти сайланганидан сўнг СССР Олий Совети палаталарининг 24 май куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида биринчи марта М. С. Горбачев қатнашди. Мажлисда, шунингдек, Президентлик Кенгаши ва Федерация кенгашининг қарийб барча аъзолари, СССР ҳукуматининг аъзолари иштирок этдилар. Унда СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди (Доклад эълон қилинмоқда). Уни Олий Советнинг 433 нафар аъзосидан ташқари салкам 150 нафар СССР халқ депутатлари ҳам тингладилар.

Докладни муҳокама этишда жумҳуриятларнинг, СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетларининг, депутатлар гуруҳларининг вакиллари иштирок этдилар. Уларнинг айримлари таклиф этилаётган концепцияга салбий баҳо беришдан то ҳукуматга ишончсизлик билдиришгача борган бўлсалар, бошқалар эса ҳозирги мураккаб вазиятда бундан бошқа чора йўқлигини, энди бутун масъулиятни зиммага олиб ишлаш лозимлигини изҳор этдилар.

Кеча мунозаралар давом эттирилди.

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ ВА БОШҚАРИЛАДИГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида Н. И. РИЖКОВ доклади

Ҳурматли ўртоқлар!

Сўнгги ўн йилликларда СССР ҳукумати асл моҳияти билан ҳақиқатан ҳам халқнинг бундан кейин қандай яшашини белгилаб берадиган бу қадар қийин ва ғоят масъулиятли докладни ҳеч қачон қилмаган эди. Айни шу ҳолат мени фақат сизларга, СССР Олий Советининг аъзоларига эмас, мамлакатимизнинг барча гражданларига ҳам мурожаат этишга мажбур қилади. Ишончим комил: мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида ҳукумат докладида баён қилиб берилган вазифалар ва муаммолар ўта қийин вазифа ва муаммолардир. Чунки аслида биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар фақат ҳозирги авлоднинг эмас, шу билан бирга келажак авлодларнинг ҳам турмуш тарзини ва тақдирини белгилаб беради. Очиғини айтаман, қайта қуришнинг бутун беш йили мобайнида мамлакат ана шу ҳал қилувчи тадбирга изчиллик билан яқинлашиб келди. Биз бунга социализм билан боғлиқ барча қарашларимизни тубдан ўзгартириш ва чуқур, жуда қийин кечадиган қайта идрок этиш орқали, демократиялаш, ошкоралик, мулкчилик, бозор, омилкорлик каби тушунчаларнинг моҳиятига қайта баҳо бериш орқали, хўжалик юритиш системасида инсоннинг роли ва ўрнини янгича тушуниш ва бошқалар орқали яқинлашдик. Яқин вақтларда ҳам ижтимоий фикримиз учун хос бўлмаган ва одат бўлмаган тўхтамларга келдик.

Ҳукумат сўнгги ойларда бажарган ишлар нақадар мураккаб, масъулиятли ва тиғиз бўлганлигини шундан ҳам билиб олса бўлади, деб ўйлайман. Ана шу ишнинг пировард натижаси бугун муҳокама қилинаётган докладда акс этган. Доклад СССР халқ депутатларининг мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришга қаратилган ва ҳукумат томонидан таклиф этилган режаларни маъқуллаган иккинчи Съезди қарорларини бажариш юзасидан тайёрланди.

Эслатиб ўтаман, Съезд туб иқтисодий ислоҳотни, бутун бозорни шакллантириш жараёнини жадаллаштириш зарурлигини якдиллик билан кўрсатиб берди. СССР ҳукуматига СССР халқ депутатлари айтган таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиш ва тўла ҳисобга олиш топширилган эди.

Бу иш съезддан кейиноқ бошланди. Унинг асосий мақсади — съезд томонидан маъқулланган ҳукумат программасини бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бутун муаммолар мажмуидан келиб чиқиб, аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат эди. Айни бозор иқтисодиёти программада марказий ўринни эгаллайди. Бундай бўлиши тушунарлидир.

Биринчидан, бозор хўжалик юритишнинг таркиб топган системасини тубдан қайта қуришни, ишлаб чиқариш муносабатларида мутлақ ўзгаришлар бўлишини ва, пировард натижада, — иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатдан янги қиёфасини вужудга келтиришни шарт қилиб қўяди. Қатъий ҳаракат қиладиган пайт келди, чунки хўжаликнинг эски системаси яшаш қобилиятини йўқотди, янги системани эса кечиктирмай барпо этиш керак.

Иккинчидан, бизнинг амалиётимизда ҳам, чет эл амалиётида ҳам ҳеч қачон иқтисодий турмуш бу қадар кенг миқёсда қайта қурилмаган. Аниқ-равшан шарт-шароит бирор мамлакат тажрибасини бизнинг ижтимоий системамизга тўлатўкис олиб ўтишга имкон бермайди. Умуман чет элларда тўпланган тажрибадан барча фойдали ва мақбул жиҳатларини олиб фойдаланиш зарур бўлса ҳам бизга ишнинг тўла муваффақият қозониши учун кўп жиҳатдан одатдагига ўхшамаган, баъзан эса мутлақо янгича ечимлар керак бўлади.

Учинчидан, яқин вақт ичида биз сўзсиз дуч келадиган муаммоларнинг мураккаблиги табиий равишда бу қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида ғоят ҳилма-хил фикрларни келтириб чиқаради.

Концепцияни тайёрлаш давомида мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишга тўғри келди. Уни ишлаб чиқишга барча марказий иқтисодий идоралар жалб этилди, энг муҳим қоидалар кенгашларда саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарлари, моддий-техника таъминоти системаси, молия идоралари, банклар ходимлари, иқтисодчи олимлар, иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг бошлиқлари билан муҳокамэ қилинди. Бу масала Президентлик Кенгаши ва Федерация кенгашининг қўшма мажлисларида икки марта кўриб чиқилди.

Муаммолардан кўпига жавоб излашга бир неча бор қайтишга тўғри келди. Ҳар гал уларнинг янги қирралари очилди, янги, баъзан бир-бирини рад этадиган вариантлар пайдо бўлди.

Очиғини айтаман, бир қанча ҳолларда мумкин бўлган жуда кўп ечимлар орасидан биттасини якдиллик билан танлаб олишга муваффақ бўлолмадик. Бундай ҳолларда ҳукумат турли вариантларни ўрганиб, ўзининг, менимча етарли даражада пухта позициясини ишлаб чиқди. Мен турлича ёндашувларни, муқобил таклифларни, баъзан эса мутлақо қарама-қарши ечимларни ана шундай таҳлил этиш йўлини нормал ва асосли ҳамда пухта ўйлаб кўрилган нуқтаи назарни белгилаб олиш учун мутлақо ишончли йўл деб биламан.

Фақат бир нарсадан огоҳлантириб қўймоқчиман. Жамиятда юз бераётган қайта қуриш жараёнларининг мислсиз жўшқинлиги шароитида ўзгартишларнинг бир марта танлаб олинган йўлига ҳамиша оғишмай амал қилиш, ҳақиқатда юз бераётган вазиятни ҳисобга олмаслик хато бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида мамлакатдаги иқтисодий вазият жуда пухта таҳлил этилди. Бу эса аҳоли даромадларининг олдинги етти йил ичидаги мутлақ ўсишига тенгдир. Юзаки қараганда ана шу ижобий жиҳат иқтисодиёт учун салбий жиҳатга айланди — танглик ҳоллари кескин кучайди. Товар оборотининг одатдан ташқари ўсиши ва товарларнинг жуда кўп турларини ишлаб чиқариш кўпайиши ҳам ёрдам бермаяпти. Истеъмол бозори ҳамон бўм-бўш, иқтисодиётнинг мувозанатсизлиги кучайиб бормоқда. Нақд пул миқдори ва оборотдаги пуллар миқдорининг товар ресурсларига мос эмаслиги жуда тез кучайиб бормоқда.

Мамлакатнинг валюта билан боғлиқ аҳволи ҳам мураккаблигича қолмоқда. У айниқса сўнгги ойларда кескинлашди. Кўп жиҳатдан бу ҳол 1990 йил плани тасдиқлангандан кейин аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ёмонлашганлиги муносабати билан ҳукумат чет эллардан қўшимча равишда кўп миқдорда дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари — салкам 3 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан 27 миллион тонна дон сотиб олиш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилишга мажбур бўлганлиги билан боғлиқдир.

Вазиятни яхшилаш мақсадида чет эллардаги мижозларимизнинг ишончини тиклаш учун ҳукумат экспорт қилишнинг қўшимча ресурсларини ва импортни қисқартириш имкониятларини қидирмоқда.

СССР Министрлар Совети рўйрост шуларни айтишни зарур деб ҳисоблайди: башарти мана шу тенденцияларнинг ҳаммаси бундан буён ҳам иқтисодиётда ривожланаверадиган бўлса, ҳукумат программасида ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг эътиборингизга ҳавола қилинган концепциясида белгиланган шундан кейинги ўзгартишларни тағин ҳам мураккаброқ шароитда амалга оширишга тўғри келади. Халққа манзур бўлмайдиган, аммо ҳаддан ташқари зарур бўлган кўпгина қарорлар янада оғриниб идрок этилади.

Ҳукумат шу йилги режаларнинг бажарилиши учун масъулиятни зиммасидан соқит қилмайди, албатта, биз ўз ҳуқуқ доирамизда зарур тадбирларни кўрамиз. Бироқ ҳозир вужудга келган вазиятда бу тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳаддан ташқари қийин бўлади.

Шуни эслатиб ўтмоқчиман: иқтисодиётни соғломлаштириш программасининг моҳияти ва асосий қоидалари тўғрисидаги докладда ҳукумат таклиф этилаётган тадбирларни бажариш йўлида жамиятнинг барча кучларини жипслаштириш бениҳоя зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бунда биз ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги зўр бериб қилинадиган амалий ҳаракатларга умид боғладик.

Агар ҳозир рост гапни айтадиган бўлсак, фикримга қўшиларверинг, бундай бўлиб чиқмади. Ижобий силжишлар бўлмаган бир пайтда эса халқ хўжалигини идора қилиш даражаси пасайиши турган гап. Айниқса давлат буюртмаларини ва шартномавий мажбуриятларни бажаришдаги хўжалик интизоми пасайиб кетганлигини бунинг ёнига қўшмоқ керак.

Корхоналар томонидан планларнинг камайтириб белгиланиши муаммоси ҳам жуда кескинлашди. Улар қабул қилган ишлаб чиқариш дастурларини жамлаганда шундай ишонч ҳосил бўлади: умуман мамлакатда ялпи миллий маҳсулот ҳажми СССР Олий Совети тасдиқлаганидан кўра тахминан 12 миллиард сўмлик кам бўлади. Ҳақиқатда мамлакат корхоналар томонидан камайтирилган режалар асосида яшамоқда, ҳолбуки, бошқача марралар белгиланган эди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режалари соҳасидаги иш жуда қониқарсиз бўлиб турибди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: корхоналар қабул қилган ишлаб чиқариш дастурлари давлат режасида кўзда тутилганига нисбатан 27 миллиард сўмлик кам. Бунинг 80 фоизидан кўпроғи республикалар қарамоғидаги корхоналарга тўғри келади.

Иқтисодиёт билан сиёсатни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кейинги йиллардаги якунлари буни яққол тасдиқлаб турибди — сиёсий беқарорлик иқтисодиётга зўр куч билан таъсир ўтказмоқда. Миллатлараро низолар, иш ташлашлар, марказга нисбатан қўйилаётган талаблар тобора қатъийлашиб бораётганлиги, марказдан қочирма тенденцияларнинг кучайиши оқибатида мамлакат катта зиён кўрмоқда.

Ўтган тўрт ой мобайнида бултурги йилнинг шу даврига нисбатан Озарбайжон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18 фоиз, Арманистон ССРда 9 фоиз, Грузия ССРда 8 фоиз камайди. Фақат шу республикаларнинг саноат корхоналари шартномавий мажбуриятлар юзасидан 868 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди, бу эса бутун мамлакатда етказиб берилмаган жами маҳсулотнинг 28 фоизига тенг. Тожикистон ССРда саноат ишлаб чиқариши қарийб 4 фоиз қисқарди. Болтиқбўйи республикаларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш камайди.

Январдан апрелнинг охиригача ўтган давр мобайнида миллатлараро низолар ва иш ташлашлар оқибатида 9,5 миллион одам-кун зое ўтди, бутун ўтган йил давомида шу сабабга кўра 7 миллион одам-кундан маҳрум бўлинган эди.

Турли-туман ички тўсиқлар ҳам иқтисодий вазиятни яхшиламаяпти. Регионлар ўртасида ва республикалар ўртасида вужудга келган алоқалар йўлига мана шундай сунъий тўсиқлар қўйилмоқда. Истеъмол бозоридагина эмас, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам номутаносиблик тобора кескинроқ сезилмоқда. Корхоналарнинг ҳисобидаги пул миқдори кўпайиб бораётган, моддий ресурслар эса амалда кўпаймаётган шароитда бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Сўмнинг заифлашуви корхоналар ўртасидаги натура айирбошлашни ривожлантиришга олиб келди, ибтидоий шаклга — алмашиш савдосига қайтила бошлади. Бир қанча республика ва областларнинг раҳбарияти эса бу тенденцияларни рағбатлантириш йўлига ўтди.

Товарларни тақсимлашнинг нотўғри шакллари кенг оммалашди. Жумладан, корхоналардаги савдо кўп жиҳатдан магазинларнинг пештахталари бўшаб қолишига кўмаклашмоқда. Ғаройиб ҳодиса лардан яна бирига эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз меҳнат жамоаларининг, маҳаллий идораларнинг ҳуқуқларини кенгайтиряпмиз. Эркинлик нақадар кўп бўлса, мустақиллик шу қадар кўп бўлиши лозим эди. Амалда эса бунинг акси бўляпти, марказга нисбатан талаблар ва таъналар пўртанадек ошиб бормоқда. Корхоналар, регионлар, баъзан бутунбутун тармоқлар ижтимоий масалаларнинг зудлик билан ҳал этилишини ҳукумат зиммасига юкламоқдалар, ундан ресурслар етказиб беришни, қўшимча напитал маблағни талаб қилмоқдалар.

Одатда бу иш ташлаш тўғрисидаги пўписа билан талаблар шаклида амалга ошрилмоқда. Кун сайин дўқ билан талаблар қўйилаверса, ҳукумат бирон-бир тарзда самарали ишлай оладими, деган савол туғилади. Бизнинг мамлакат имкониятларини сергаклик билан баҳолаш ҳақидаги ҳар қандай даъватларимиз сийқа усул деб, халқнинг хоҳишига, унинг энг зарур талаб ва эҳтиёжларига қулоқ солишни истамаслик деб қабул этилмоқда. Иш ташлаш ҳаддан ташқари восита деб тушунаман. Бироқ баъзи бировлар ҳаддан ошишдан ҳам тап тортмайдиган бўлиб қолганга ўхшайдилар: ҳатто иш ташлашлар тўғрисидаги қонун ҳам деярли ҳаммэ жойда бузилмоқда.

Ҳукумат СССР Олий Советидан барча меҳнаткашларга мурожаат этиб, иш ташлашларни ўтказмай туришга, вужудга келаётган низоларни ҳал қилишнинг бошқа усулларини топишга, ҳаддан ташқари чораларни ишлатмасликка, модомики ҳақиқатан ҳам бошқача иш тутишнинг иложи бўлмаса, — у ҳолда амалдаги қонунларга оғишмай риоя этишга чақиришни илтимос қилади.

Ўртоқлар! Мамлакатда ўткир ижтимоий муаммолар нақадар кўплигини ҳаммамиз биламиз. Бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш истагини ким тушунмайди, дейсиз! Халқ хўжалигимиз самарали ишлаганида кўп ишларни шубҳасиз қила олган бўлур эдик. Аммо истак бошқа-ю, воқелик бошқа бўлиб чиқяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, таклиф қилинаётган ижтимоий тадбирларни амалга оширишга яқин беш йил ичида марказлаштирилган манбалардан 117 миллиард сўм сарфлаш керак бўлади. Шу йилда бу мақсадлар учун 13,4 миллиард сўм миқдорида қилинадиган харажатни тасдиқлаб берган Олий Совет ҳақиқатда бисотимизда нима борлигини баҳолаб берди. Бошқача қилиб айтганда, дастурни кўнгилдагидек бажариш учун бизга қарийб 10 йил керак бўлади.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган мана шундай дастурлар танқидий идрок этилса, яна ўтмиш хатоларини такрорлашга киришмаяпмизми, деган савол ўз-ўзидан келиб чиқади. Бу хатоларнинг моҳияти пала-партиш иш тутишдан, иқтисодиётнинг ҳақиқий имкониятларини эътиборга олишни истамасликдан иборат бўлганлиги маълум. Хуллас, биз қарзга яшаш одатидан асло халос бўла олмаяпмиз.

Ниҳоят, сўнгги масала. Меҳнат, шартнома, молия интизоми пасайганлиги, шерикларнинг манфаатларини писанд қилмаслик — халқ хўжалигининг номутаносиблигини баттар чуқурлаштираётган жуда катта сабаблардир. Митингбозлик демократияси шароитида иқтисодиёт нормал ишлай олмайди ва ривожлана олмайди. Иқтисодиётнинг ўз қоидалари бор, бу қоидалар аниқликни, қатъийликни ва ҳамиша раҳбарнинг энг юксак масъулиятини талаб қилади. Шу муносабат билан СССР Олий Советидан тегишли қонунни имкони борича тезроқ қабул қилишни сўраймиз.

Айтилган гапларни якунлаб, яна бир бор таъкидламоқчиман: СССР ҳукумати СССР Олий Совети тасдиқлаган планни бажариш, иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш учун имкони бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўраверади.

Шу билан бирга халқ хўжалигидаги ночорликнинг чуқур сабабларини тугатиш учун бунинг ўзи етарли эмаслиги мутлақо равшан. Халқ хўжалигини танглик ҳолатидан чиқариб олиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жўшқинлик бахш этиш, совет кишиларининг турмушини амалда яхшилашга эришиш учун бошқариладиган бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш зарур.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий қоидалари ва эҳтимол тутилган оқибатлари

Ўртоқлар!

Хўжалик юритишнинг буйруқбозлик-тақсимотчилик системасига қарама-қарши бўлган принципиал бошқача модели тарзида бозор иқтисодиётига ўтиш зарур, деган хулоса 1987 йилдаёқ чиқарилган эди. Ҳукуматнинг иқтисодиётни соғломлаштириш дастурида ва СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг қарорларида бу ҳақда жуда аниқ-равшан айтилган.

Бу ёндашувга қаршилар ҳам борлиги сизларга маълум. Жамиятдаги баҳслар давом этмоқда. Сизларга шуни айтмоқчиман: ҳукумат эҳтимол тутилган вариантларни жуда синчиклаб таҳлил этиб чиқди. Аммо биз ҳамма ижобий ва салбий жиҳатларни қайта-қайта чамалаб, шуни кўрдик: «Тисарилиш» вариантининг, яъни эски усулларга қайтишнинг ҳеч қандай истиқболи йўқ. Биз танлаб олган йўл шу: бозор сари силжиб бораверишкерак.

Энди диққат марказида бош масала пайдо бўлди: буни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Амалга оширганда ҳам шундай қилиш керакки, ўтиш даврини имкони борича оғриқсиз босиб ўтиш, янги хўжалик системаси асосида ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини оширишни энг қисқа муддатларда таъминлаш мумкин бўлсин. Бутун чигаллик шундаки, бозор муносабатларига ўтиш чоғида имкони борича хўжалик алоқалари тўқимасини бузишга йўл қўймаслик, аҳолини муқаррар равишда келиб чиқадиган салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш керак. Биз мана шундай оқибатларни олдиндан кўришимиз лозим.

Умуман вазифа мана шулардан иборат. Бу — бир хил тарзда ҳал этиб бўлмайдиган, бениҳоя мураккаб вазифадир. Аммо даврмизнинг ўзи шундай: ҳозирги турмушда оддий ечимлар йўқ.

Бозор воситалари самарали ишлай бошлаши, биз умид қилган натижаларни бера бошлаши учун кўп нарсаларни кўзда тутиш керак. Хўш, бошқариладиган бозорга ўтиш учун қандай шароитлар яратилиши керак? Бунинг жавобини қисқа қилиб шундай таърифлаш мумкин.

Биринчидан. Эркин товар ишлаб чиқарувчилар бўлмиш корхоналарнинг амалий мустақиллиги ва иқтисодий масъулиятини таъминлашдир зарур. Мулкчиликнинг янги муносабатларига ва шу муносабатларга узвий равишда хос бўлган ташаббускорлик ва омилкорликка таянган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Холбуки, биз мана шундай ташаббускорлик ва омилкорликка қарши узоқ вақт ва, айтиш керакки, муваффақиятли равишда курашиб келган эдик.

Иккинчидан. Талаб ва таклифнинг ўзгаришига сезгирлик билан жавоб берадиган нарх белгилаш воситаси зарур. Ҳозир эса бизда бир марказдан белгилаб бериладиган ва барча объектив иқтисодий қонунларга зид бўлган система амал қилиб келяпти, бу системанинг ғаройиблиги шундаки, самарадорликни ва бозор мўл-кўллигини эмас, балки чиқимдорликнинг ўсишини рағбатлантиряпмиз.

Учинчидан. Чиқимларни ва нархларни камайтиришга ундайдиган, истеъмолчиларнинг талабини қондиришни рағбатлантирадиган ва маҳсулот ишлаб чиқарувчини техника янгиликлари кетидан қувишга мажбур қиладиган рақобат ҳаводек зарур. Бизнинг ихтиёримизда эса ҳозир кўп йиллардан бери давом этиб келган марказлаштириш йўриғи ва тор мавзудаги ихтисослаш оқибатида ҳар қандай рақобатни мутлақо истисно қиладиган ва ҳаддан ташқари монополия ҳолатига келтириб қўйилган ишлаб чиқариш тузилиши мавжуд.

Яна бир гап бор. Халқ хўжалиги негизи бўлган ишлаб чиқариш структураси тўлов қобилиятига эга бўлган талабга мос бўлиши ва шу талабнинг озгина бўлсада ўзгаришига дарҳол жавоб бериши керак. Биз эса ҳозир кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш йўлида ишлаб чиқариш ҳаракатидамиз: жуда кўп миқдорда ёнилғи, металл, хом ашё ва материалларнинг бошқа турларини қазиб олиб, тайёрламоқдамиз. Сўнгра эса булардан ҳисоб-китобни ёдон ўйламай, қайта ишлашда фойдаланиш пайида бўлмоқдамиз, худди ўша нарсалар ташиш вақтида нес-нобуд бўлмоқда, уюм-уюм бўлиб ётибди, қазиб олинган ёнилғи ёндириб юборилмоқда, ҳолбуки, ихтиёримизда истеъмол моллари ва хизматлар етарли эмас. Оқбатда халқ хўжалиги ҳамиша пул қадрсизланиши тазйиқига учрамоқда, чунки бундай шароитда аҳоли даромадларини аҳоли маҳсулот таъминоти билан тенглаштиришнинг имкони йўқ.

Яна бир масала бор. Бозор иқтисодиётнинг ишончли моддий молиявий мувозанатини, барқарор пул системасини талаб этади. Бизда эса давлат бюджетининг жуда катта камомади ҳамда мол ресурсларига нисбатан пулнинг кўплиги яққол кўриниб турибди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини, айниқса ўтиш даврида, яъни турмуш шароити жиддий тарзда ва тез ўзгараётган бир даврда ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг самарали системаси зарур бўлади, мен бу ҳақда илгари ҳам бир неча бор гапириб ўтган эдим. Мен бу ўринда, аввало, нарх-навонинг кўтарилишидан, вақтинча ишсизликдан, пулнинг қадрсизланишидан муҳофаза этишнинг форма ва усулларини назарда тутмоқдаман. Ҳукумат бу масалаларга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Ва, ниҳоят, тартибга солиб туриладиган бозор иқтисодиёти ҳуқуқий жиҳатдан ишончли тарзда таъминланишга муҳтождир. Агар давлат ҳокимияти ўз фаолиятида зарур бўлган барча хилма-хил қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга таянсагина, ўзининг тартибга солиб туриш вазифаларини самарали адо этиши мумкин. Шуниси алоҳида муҳимки, ушбу қонунлар ва ҳужжатларга оғишмай риоя қилиниши лозим. Жамиятга қонунларга ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлиш муҳити зарур, ҳозир эса худди ана шундай муҳит етишмаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Эндиликда асосий негизлар белгилаб олинди. Бундан буён гап ана шу негизларни амалда таъминлаш, қайси босқичлардан ва қай тартибда ўтиш ҳақида бормоқда.

Ҳукумат бозорни қарор топтиришнинг турли йўлларини ўрганиб чиқди. Бу ўринда ҳам жуда ўткир мунозаралар, турлича қарашлар, фикрлар ва позицияларнинг тўқнашуви содир бўлди.

Чунончи, бир қанча иқтисодчилар дарҳол барча нархларни эркин нархларга айлантириб, савдо-саноат фаолиятига тўла эрк беришни таклиф қилмоқдалар. Агар шу таклифга қўшиладиган бўлсак, ишлаб чиқаришнинг биздаги структураси ва пул хўжалигининг ҳозирги аҳволи шароитида нарх олдиндан айтиб бериш мумкин бўлмаган бир тарзда жуда юқорилаб кетишини уқиб олиш учун зукко бўлиш шарт эмас. Демак, шундан кейин иш ҳақи ва бошқа пул даромадларини ҳам муқаррар тарзда ошириш лозим бўлади. Шундай қилиб, пулнинг қадрсизланиши шу қадар илдиз отиб кетадики, бу ҳол ишлаб чиқариш ва жамғариш учун рағбатни бунёд этиш у ёқда турсин, балки, аксинча, уларни яна ҳам барбод этади. Структуравий қайта қуриш хавф остида қолади. Воқеаларнинг бу аҳволда кетишига мутлақо тайёр бўлмаган одамлар зиммасига катта машаққатлар тушади.

Давлатнинг ўзи ҳам уларга ёрдам беришга шай бўлмай қолади. Чунки давлат ана шундай вазиятда пулнинг қадрсизланиш жараёнларининг илдиз отиб кетишини тўхтатишга қодир бўлмай қолади. Шу боисдан ҳам бу вариантни биз рад этдик.

Бизга бошқариб бўлмайдиган пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик мумкин-ку, демоқдалар. Ҳа, мумкин. Бу ўринда вазифа иккита асосий йўл билан ҳал этилишини ҳам таъкидламоқчиман. Биринчи вариантга пулни чеклашга қаратилган ёки пулни мол бозоридан чалғитишга мўлжалланган молиявий-иқтисодий тадбирлар киради.

Мажбурий тарзда барқарор нархларни сақлаб туришга асосланган маъмурий йўл ёки нархларни давлат йўли билан тартибга солиб туриш иккинчи йўлдир. Бунда маҳсулотнинг бутун ҳажми учун мажбурий бўлган давлат буюртмаларини корхоналарга етказиб туриш, маҳсулотни марказлаштирилган усулда тақсимлаш сақланиб қолади.

Ана шу усуллардан ҳар бирини қўлланишнинг ўзига хос мусбат ва манфий томонлари бор. Молиявий-иқтисодий тадбирларнинг жозибаси шундаки, булар бозорни бунёд этиш ва иқтисодиётни қисқа муддатда кўтариш учун жуда қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Аммо булар айни вақтда, айниқса, биринчи босқичда жуда қаттиққўллик билан амалга оширилиши керак, фақат шу ҳолдагина кўнгилдаги самарага эришиш мумкин. Аммо буларнинг оқибати одамлар учун анча оғир бўлади. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: пул маблағларининг кескин тарзда чеклаб қўйилиши маҳсулотни сотишни жиддий тарзда қийинлаштиради, демак оқибатда кўпгина корхоналар «синади». Қисқа муддат ичида кўпгина ходимларнинг қўли бўшаб қолади, бу кишиларни эса дарҳол ишга жойлаштиришнинг иложи бўлмайди. Қурилишларнинг аксарият қисмини қам тўхтатиб қўйишга тўғри келади.

Кўпгина хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши оқибатида ишлаб чиқариш анча сусайиб қолади, бинобарин, молларни истеъмол қилиш даражаси ҳам пасаяди, шунга шай бўлиб туриш керак. Бу ҳолда худди ўша қаттиққўллик билан молиявий чеклашлар сабабли аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга зарур даражада кафолат бериб бўлмайди.

Бизнинг ҳисоб-китобларимиз шундан далолат бериб турибдики, карахтлик деб аталаётган вариантга яқин бўлган бу йўл бизга мақбул эмас.

Нарх устидан давлат назоратини ўрнатиш йўли билан рўйрост кўриниб турган пулнинг қадрсизланишини жиловлаб туриш анча осонроқдир, яъни ишлаб чиқаришни ва маҳсулотнинг бир қисмини тақсимлашни маъмурий йўл билан тартибга солиш усулини қўллаш керак. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, маъмурий чораларнинг кенг қўламда қўлланилиши халқ хўжалигининг моддий-молиявий мувозанатига эришишга ва камомадни тугатишга имкон бермайди. Товар-пул муносабатлари соҳасининг жиддий тарзда чекланиши бу чораларнинг асосий камчилигидир. Бунинг оқибатида бозорнинг таркиб топиш даври ва иқтисодиётнинг танглиқдан чиқиш даври анчага чўзилиб кетади.

Шу муносабат билан мен эътиборингизни яна бир ҳолатга, яъни давр омилига алоҳида қаратишни истар эдим. Биз ҳаммамиз ўзгаришлар тезроқ рўёбга чиқишини истаймиз, албатта. Аммо мулкчилик ва савдо-саноат фаолияти турли-туман формаларининг кўпайиши, ишлаб чиқаришни структуравий қайта қуриш, меҳнат ресурсларини тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш, ўзгариб бораётган шароитда одамларнинг меҳнатга ва турмушга кўникиши суръатининг ўзига яраша маромли бор ва буларни ҳаддан зиёд «қамчилаб» жадаллаштириш оқилона иш бўлмайди. Бу ҳолда кўриладиган талафот ҳойнаҳой пировард натижадан кўпроқ бўлса керак. Беҳуда шошма-шошарликнинг оқибатлари қандай бўлишини биз яхши биламиз. Чунки мамлакатимиз халқлари ана шундай шошма-шошарликнинг жабрини бир неча бор тортишган. Шунинг учун ҳам олдимизда турган вазифаларга ва уларни ҳал этиш йўлларига одилона баҳо беришимиз зарур.

Ана шу мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олиб, ҳукумат молиявий-иқтисодий ва маъмурий усуллар жамулжам бўлган тартибга солиб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтишни оқилона йўл, деб ҳисоблайди. Бунинг моҳияти шундаки, иқтисодиётга давлат йўли билан қаттиққўллик ила бевосита таъсир ўтказишнинг миқёсини изчиллик билан, қадам-бақадам камайтириб бораверишга ва бозор муносабатлари доирасини кенгайтириш зарур. Фақат шу йўсиндагина пулнинг қадрсизланишини назорат қилиб туриш, ишлаб чиқаришнинг жиддий инқирозга ва халқнинг турмуш даражаси пасайишига йўл қўймаслик мумкин бўлади.

Бу ўринда ишни моддий-молиявий мувозанатни кескин яхшилаш, пулни чеклаш, сўмни мустаҳкамлашдан бошлаш лозим бўлади. Бу олга қараб бундан буён ҳам ҳаракат қилишнинг асосий шартларидир. Бюджет камомадини қисқартириш, таъсирчан солиқ системаси, банк процценти ставкаларини ошириш ва нархнаво белгилашдаги ислоҳотда жуда катта тадбирлар зарурлиги ана шулардан келиб чиқади.

Бу тадбирларни рўёбга чиқаришда қатъият кўрсатиш муҳимдир. Ҳозирча кўп одамлар аччиқ иқтисодий ҳақиқатларни уқиб олишгани йўқ. Чунки ҳозир баъзи кимсалар ҳукуматдан кўпроқ имтиёзлар ва субсидиялар олишга эришишга ўз уринишларини ва айни вақтда ҳукуматни кам солиқ солишга мажбур этишни мардлик деб юришибди. Лекин бу оламда мўъжизалар бўлмайди. Ҳамонки, ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар нечоғли кўп бўлса, давлат бюджетидан инвестициялар қанчалик кўп олинаётган бўлса, солиқ ҳам шунчалик кўпайиб бораверади

(Давоми иккинчи бетда).

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи

Халқ хўжалигидаги ишларнинг оғир аҳволга тушиб қолганлиги туб сабабларига тўхталиб ўтишга зарурат йўқ деб ўйлайман. Бу сабаблар маълум, СССР халқ депутатлари иккинчи Съездида ҳукумат докладида батафсил кўриб чиқилган.

Йилнинг учдан бир қисмидаги натижаларгагина тўхталиб ўтаман. Бу натижалар шундан далолат бермоқдаки, бир қанча соҳаларда айрим ижобий силжишлар бўлганига қарамай, иқтисодий вазият умуман ғоят мураккаб бўлиб қолмоқда, халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини яхшилаш ёки барқарор қилишга ҳали ҳам муваффақ бўлолмадик. Бундай ҳолларда ҳукумат турли вариантларни ўрганиб, ўзининг, менимча етарли даражада пухта позициясини ишлаб чиқди. Мен турлича ёндашувларни, муқобил таклифларни, баъзан эса мутлақо қарама-қарши ечимларни ана шундай таҳлил этиш йўлини нормал ва асосли ҳамда пухта ўйлаб кўрилган нуқтаи назарни белгилаб олиш учун мутлақо ишончли йўл деб биламан.

Фақат бир нарсадан огоҳлантириб қўймоқчиман. Жамиятда юз бераётган қайта қуриш жараёнларининг мислсиз жўшқинлиги шароитида ўзгартишларнинг бир марта танлаб олинган йўлига ҳамиша оғишмай амал қилиш, ҳақиқатда юз бераётган вазиятни ҳисобга олмаслик хато бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида мамлакатдаги иқтисодий вазият жуда пухта таҳлил этилди.

Бу эса аҳоли даромадларининг олд

Н. И. РИЖКОВ доклади

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра азият чекиши мумкин бўлган корхоналарга дастлабки пайтларда ёрдам кўрсатиш зарурлигини тушунамиз, албатта. Одамлар ижтимоий жиҳатдан ҳам етарли даражада ҳимояланган бўлишлари керак. Аммо ана шу тадбирларнинг бошқа томони ҳам бор: ёрдам ҳажмини кўпайтириш билан бирга биз тўла моддий-молиявий мутаносибликка тезроқ эришиш имкониятини орқага сурамиз. Демак, ўртача ҳолатни қидириш керак.

Аввалбошда маҳсулотларнинг бир қанча энг муҳим турларига қатъий давлат нархларини сақлаб туриш керак бўлади. Илгаригидан камроқ ҳажмда бўлсада, ҳар қалай давлат буюртмаларини тақсимлашга, маҳсулот етказиб беришни тартибга солишга тўғри келади. Мутаносибликнинг яхшиланиши ва бозор муносабатларининг ривожланишига қараб ана шу чекловлар аста-секин қисқариб боради.

Бошқариб бориладиган бозорга ўтишнинг ҳукумат таклиф этаётган йўлининг асосий қоидалари ана шундай. Уни бир неча босқичда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Шу йил охиригача давом этадиган тайёргарлик босқичида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизларини шакллантириш ишларини ниҳоясига етказишга, зарур қонун ҳужжатларини қабул қилиб, кучга киритишга тўғри келади. Нарх белгилаш ислоҳотини тайёрлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш системасини жорий этиш билан боғлиқ барча методик ва ташкилий масалаларни ҳал этиш керак.

Кейинги босқичда (1991-1992 йиллар) бозор сари катта қадам бўладиган тадбирлар мажмуи амалга оширилади. Ана шу тадбирлар орасида — нарх белгилаш ислоҳоти, ижтимоий ёрдам ва солиқ солиш системаларининг жорий этилиши, кредит ислоҳоти бор. Бу тадбирлар бозор муносабатларини ривожлантириш учун ғоят муҳим имкониятлар яратиб беришга қаратилган.

Ана шу босқичнинг ўзидаёқ мулкчиликнинг жуда хилма-хил шакллари ривожлантирилиши, омилкорликнинг қўллаб-қувватланиши, ишлаб чиқариш структурасидаги силжишлар тегишли молия-кредит сиёсатининг амалга оширилиши билан бирга истеъмол бозоридаги аҳволни кескин ўзгартириши керак.

Бозор муносабатларини жадал ривожлантириш босқичи (1993-1995 йиллар) шу жумладан, монополияларга қарши фаол сиёсат оқибатида маъмурий чекловларнинг янада қисқартирилиши, рақобатчиликнинг кучайиши билан изоҳланади. Натижада бозор механизми иқтисодий омилларни мустаҳкамлашга ва хўжалик алоқаларининг янги, янада оқилона структураларини йўлга қўйишга кўмаклашиб, жадаллашиб бораверади. Бу эса иқтисодиётни кўтариш ва унинг танг ҳолатдан чиқиши учун реал, соғлом замин яратилишини билдиради.

Таклиф этилаётган усулда ҳам ўтиш даври енгил бўлиши кутилмаётганини очиқ айтиш керак. Ҳисоб-китоблар, айниқса дастлабки икки йил мобайнида ишлаб чиқаришда муайян пасайиш, капитал маблағлар ҳажми анча камайиши муқаррарлигини кўрсатиб турибди. Бироқ бунда истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ва уй-жой қурилиши суръатларининг ўсиши сақланиб қолади. 1992 йилда моддий-молиявий мутаносибликка эришилиши мумкин. 1993 йилдан иқтисодий юксалиш ва меҳнаткашлар фаровонлигининг яхшиланиши учун шароит вужудга кела бошлайди.

Энди бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг айрим асосий муаммоларига тўхталишга ва ҳукуматнинг мазкур муаммоларни ҳал этишнинг бош йўналишларига доир позициясини тушунтириб беришга ижозат бергайсиз.

Молия-кредит сиёсати

Ўртоқлар! Илгари айтиб ўтилганидек, ниҳоятда қаттиқ молия-кредит сиёсатини ўтказмай туриб, бошқариладиган бозор сиёсатига ўтиб бўлмайди. Маъмурий таъсир усулларининг сусайишига қараб, айнан молиявий ва кредит воситалари давлат қўлида иқтисодий турмушни бошқариб туриш, муомаладаги пул массасининг асоссиз равишда кўпайишини чеклаш, пулнинг қадрсизланиш жараёни кескин авж олишининг олдини олиш борасида ишончли қуролга айланади.

Молия ва пул муомаласининг бугунги кундаги аҳволи, уларнинг издан чиқиши — бозорга ўтишни тўхтатиб турган энг жиддий ғовлардан бири эканлиги шубҳасиз. Ҳукумат бу соҳада соғломлаштиришга эриша бориб, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳисобига 1990 йилда биринчи маротаба давлат даромади билан харажатлари ўртасидаги тафовутни қисқартиришига тўғри келади. Бу тафовут аввалги уч беш йилликда мунтазам равишда ортиб борган эди.

Аммо ҳозир шу нарса аёнки, фақат харажатларни тежаш ва даромадларни кўпайтириш топшириқларига таяниб, молия-кредит муносабатларини чуқур ислоҳ қилмай туриб, тўла муваффақиятга эришиб бўлмайди. Қабул қилинган ва СССР Олий Советига кўриб чиқиш учун тақдим этилган қонунлар, шунингдек ҳукумат тайёрлаган бир қанча янги лойиҳалар, бизнингча, бозор типи талабларига жавоб берадиган молия-кредит сиёсатини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатларни яратиб беради.

Корхоналарга солиқ солиш тўғрисидаги бўлажак қонун лойиҳасини амалга оширишга ҳам катта умид боғлаяпмиз. Биз ниҳоят корхоналарга бериладиган алоҳида нормативлардан юз ўгиришимиз принципиал жиҳатдан муҳимдир. Бу нималарга олиб келиши маълум эди. Бир томондан, ёмон ишлаётган ходимларнинг хўжасизлиги ёпиб кетилган бўлса, иккинчи томондан яхши ишлай оладиганларни рағбатлантириш барбод бўлар эди. Олинган фойдага ягона солиқ ставкасининг жорий этилиши билан ҳамма тенг вазиятда бўлиб қолади. Ўз навбатида давлат солиқ имтиёзларини қўллаб, корхоналарни ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётни устун йўналишларда инвестиция билан таъминлашга ундай олади.

Бундан ташқари, солиқ билан бошқариб туриш системаси асосан жамғармаларга маблағ қўшувчи корхоналарни рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни унинг натижалари билан боғлаш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Кўпгина ақидалар улоқтириб ташланаётган ҳозирги кунда бизнинг иқтисодиётимизда ҳам яккаҳокимлик ҳолатлари тўғрисидаги мулоҳазалар бизга исёндек туюлмоқда. Улар бугунги кунда иқтисодиётнинг нормал ривожланишига йўл қўймаяпти, лекин эртага эса янада кўпроқ халақит беради. Агар тегишли чоралар кўрмай туриб, бозорга ўтишга уринсак, ҳозирги мавжуд монополия структураларида бу дарҳол нархлар ошишига ва пулнинг қадрсизланишига, жамиятда шусиз ҳам жиддий ижтимоий кескинликнинг кучайиб кетишига олиб келади.

Ҳукумат солиқ солишнинг янги системасида ортиқча олинган фойдага солиқ солиш назарда тутилишини қаттиқ талаб қилади. Бизнинг фикримизча, дастлабки босқичда рентабелликнинг охирги даражасини 30 фоиз билан, қишлоқ хўжалик корхоналари учун 40 фоиз билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

СССР бюджетининг иттифоқдош жумҳуриятлар бюджетлари билан, иттифоқдош жумҳуриятларнинг эса мухтор жумҳуриятлар ва маҳаллий бюджетлар билан ўзаро муносабатларига алоҳида тўхталиб ўтаман. Янги қонунда бунга принципиал ўзгаришлар киритилади.

Масалан, жумҳуриятлар бюджетлари ва маҳаллий бюджетларнинг даромад негизи анча мустаҳкамланган. Бир йил ҳисобидан маҳаллий бюджетларга тушадиган тушумлар 25 миллиард сўм кўпаяди, бу шу жумладан Иттифоқ бюджети даромадларини 20 миллиард сўм ва жумҳурият бюджетларини 5 миллиард сўм қисқартириш ҳисобига бўлади. Бундан ташқари, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар бюджетларига ҳамда маҳаллий бюджетларга келаси йилдан меҳнат ва табиий ресурслар учун тўланадиган ҳақ тўла туша бошлайди. Бу эса салкам 29 миллиард сўмни ташкил этади.

Давлат даромадларини шу тариқа қайта тақсимлаш иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар мустақиллиги ҳамда иқтисодий суверенитетини ривожлантиришга, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни кенгайтиришга мос бўлибгина қолмай, айни вақтда турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги масъулиятни аниқ чегаралашга имкон беради.

Энди жумҳуриятлар бюджетлари ҳисобидан жумҳурият ва маҳаллий хўжаликка тобе идоравий тармоқларни маблағ билан таъминлаш амалга оширилиши ва ижтимоий-маданий соҳага, бунга соғлиқни сақлаш ва маориф ҳам киради, кетадиган ва уни ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳаммаси амалда шу ҳисобдан қопланиши керак.

Албатта, иқтисодиётни бошқаришда жумҳуриятлар ва регионларнинг масъулияти оширилиши билан Иттифоқ бюджетининг роли фақат давлатнинг маъмурий-бошқарув ишларини маблағ билан таъминлашгагина бориб тақалиши керак эмас. Бизнинг жумҳуриятлар федерациямизни бутун мамлакат халқ хўжалиги комплексини яхлит ҳолда ривожлантириш вазифаси бирлаштириб турибди. Ана шунинг теварагида барча ишлар бир тугунга боғланади: табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, регионал ихтисослашув, базавий тармоқлар ва асосий фанларни ривожлантириш, мудофаа манфаатлари шу жумлага киради. Янги Иттифоқ шартномаси асосида умумий бозорнинг ташкил этилиши жумҳуриятларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлайди, барча кучларимиз, имкониятларимиз ва муддаоларимизни жипслаштириш сари холисона етаклайди. Фақат ана шу биргина мақсадга эришиш учун бизга ҳозирнинг ўзида бозор ва бозор муносабатлари зарур.

Энди бюджет камомадини тугатиш истиқболлари тўғрисида қисқача айтиб ўтаман. Эсингизда бўлса, ҳукумат программасида 1993 йилда бюджет камомадини ялпи миллий маҳсулот ҳисобидан 2,5—3 фоиз пасайтириш назарда тутилган. Бу ҳукумат фаолиятида энг муҳим вазифаларнинг бири бўлиб қолмоқда. Лекин кўнгилдаги натижага тўла эришиб бўлмаяпти. Айниқса ҳозир, бюджетнинг қарийб учдан икки қисмини ижтимоий тусдаги харажатлар ташкил этаётган пайтда шундай бўляпти. Ўз-ўзидан маълумки, бизнинг ҳозиргина қабул қилинган ижтимоий программаларни бажариш муддатларини қисқартиришга ёки орқага чўзишга ҳаққимиз йўқ. Лекин, келажакда, буни тан олиш қанчалик қийин бўлмасин, биз реал даромад манбалари билан таъминланмаган сарф-харажатлар бундан кейин жадал кўпайишига йўл қўймаслигимиз керак.

Бозорни ташкил этишда солиқ системасига кўп умид боғлаяпмиз. У кучли молиявий назорат системасига эга бўлган тақдирдагина ўз вазифасини ўташи мумкин. Очиғини айтсам, бизнинг хўжалик механизмимиз шу кунгача бундай хизматга унча муҳтож эмас эди, энди эса у ҳаётий заруратга айланди. Солиқ назорати эндигина ташкил бўлмоқда ва бу жараённи тезроқ тугаллаш ниҳоятда муҳимдир.

Кредит системамизни тубдан қайта қуриш бундан ҳам муҳимроқ вазифа ҳисобланади. Жаҳонда орттирилган иш тажрибаси бундай системасиз бозорни хаёл қилиш мумкин эмаслигини ўргатмоқда.

СССР Давлат банки ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларида икки даражадаги банк системасини яратиш назарда тутилган. Унинг юқори даражасида СССР Давлат банки туради. СССР Давлат банки ҳам нақд пулсиз, ҳам нақд пуллик жами пул оборотидаги пул массаси ҳажмини тартибга солиб туради. Тартибга солиш механизми маълум. Бу бошқа банклар кредит ресурсларини резервга олиш ва тижорат банкларига кредит ресурслари учун ажратилаётган процент ставкасини қандай ҳисоблашни белгилаб қўйиш демакдир. Унинг шартлари барча банк системаси учун процент ставкалари даражасини вужудга келтиришнинг асоси ҳамда кредит маблағлари миқдорининг тартибга келтирувчи кучига айланиши аён.

Ўз навбатида иккинчи даражали банклар, жумладан ихтисослашган банклар — СССР саноат қурилиш банки, СССР деҳқончилик-саноат банки ва СССР уй-жой-ижтимоий банки хўжалик ҳисоби, коммерция асосида ишлаётган тармоқ, кооператив банклари ва бошқа банклар билан бир қаторда катта-катта тижорат банк системаларига аста-секин айланишлари керак. Ишга туширилган ресурслар доирасида корхоналарга қарз бериш уларнинг вазифасидир. Улар ўз қарз бериш фаолиятларини амалга оширишда тўла мустақилдирлар.

Бозор муносабатларига бевосита ўтиш даврида қарзлар бўйича ставкаларни қайта кўриб чиқиш биринчи галдаги тадбир бўлади. Ҳозир қарзлар, аслида, текинга берилмоқда: қисқа муддатли қарзлар бўйича ставкалар ўрта ҳисобда 2,5 фоизни, узоқ муддатли қарзлар бўйича камида 1 фоизни ташкил этади. Бу ўринда хўжалик оборотида пул массаси кўпайиб кетганлигига ва сўмнинг қадрсизланганлигига ажабланиш керакмикин?

1991 йилдан бериладиган қарзларга янги процент ставкаларини белгилаш режалаштирилмоқда. Бу ставкалар барча қарз олувчилар учун мажбурийдир, олинадиган процент эса қарздан фойдаланишнинг қанча давом этишига мутлақо боғлиқ бўлади. Чунончи, муддати бир йилгача бўлган кредитдан 6 фоиз, бир йилдан 3 йилгача бўлган муддатда 8 фоиз, 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда 9 фоиз, белгиланган муддат беш йилдан ошганида 11 фоиз ҳақ олинади, муддати ўтиб кетган қарзларга эса бир йилда камида 15 фоиз ставка белгиланади. Кейинчалик бу ставкалар аниқ-равшан талаб ва таклифларга, пулнинг қадрсизланиш даражаси ва бошқа иқтисодий омилларга мувофиқ ўзгариши мумкин. Яъни ҳамма иш бозор қонунларига мувофиқ бўлади.

Янги шароитда кредит муносабатларининг савдо-сотиқ тусида бўлиши натижасида анъанавий имтиёзли кредитларимиздан фойдаланиш мумкин бўлмай қолади. Процентлар асосидаги имтиёзларни қоплаш тўғрисидаги масалани, агар бунга зарурат туғилса, ҳокимият идоралари ҳал этиши, улар тегишли қарорлар қабул қилиши керак.

Қарзлар бўйича процентли ставкалар оширилиши билан корхоналар ҳамда аҳолининг сақлаш учун ёки бошқа бирор мақсад билан банкка қўйган пули ҳисобидан олинадиган ҳақ ҳам кўпаяди. Бу банкларнинг ўз мижозлари билан тенг муносабатлар ўрнатишлари учунгина эмас, айни вақтда бозорлардаги ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда истеъмол ашёларига бўлган эҳтиёжнинг тўлов қобилиятини пасайтириш, шунингдек жамғармаларни пулнинг қадрсизланишидан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳам зарурдир.

Бошланғич даврда бундай дафтарчаларидаги пуллардан маблағлар сақланишининг муддатига қараб 4 фоиздан 9 фоизга қадар йиллик ҳақ белгилаш мўлжалланмоқда.

Энг аввало кредитлар бозори ва қимматбаҳо қоғозларни ўз ичига оладиган молиявий бозор бозор иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Кредитлар бозорига келганда, у банк системасини режалаштирилган қайта қуриш натижасида вужудга келиши керак. Бу энг аввало коммерция банклари тармоғини кенгайтириш, талаб ва таклифлар асосида жалб этиладиган маблағлар ҳамда бериладиган қарзларга кўра процент ставкасини белгилашга ўтишдир. Бу ердаги аҳвол у ёки бу даражада равшандир.

Биз учун ғайритабиий бўлган қимматбаҳо қоғозлар бозори тоифаси унчалик тушунарли эмас. Айни вақтда биз, ҳозирнинг ўзидаёқ облигациялар чиқариш ва хазина мажбуриятлари воситасида давлат қарзини расмийлаштиришга ўтяпмиз. Тижорат жамиятларининг шаклланиш жараёни кучаймоқда. Уларнинг акциялари ҳам вақт ўтганидан сўнг эркин савдосотиқнинг объектига айланади. Корхоналар, маҳаллий ҳокимият органлари, иттифоқдош жумҳуриятлар бюджетдан ҳам, банклардан ҳам маблағ олиш учун имконият қидирмай, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш йўли билан ўзларига етишмаётган маблағларни топишлари мумкин. Шундай қилиб, бошқа корхоналар ва аҳолининг маблағлари мол бозорларига жалб қилинмайди, бу эса эҳтиёжнинг тўлов қобилиятини пасайтиради ва уларнинг мутаносиблигига эришишни енгиллаштиради. Бинобарин биз молиявий бозорни ташкил этишни ҳам узоқ муддатга қолдира олмаймиз.

Корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва янгича иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши инвестицияларни маблағ билан таъминлаш манбаларини кўпроқ қайта тақсимлашга олиб келди. Ҳозир капитал маблағларнинг атиги 15 фоизга яқини Иттифоқ бюджети ҳисобига ва яна шунча фоизи республика бюджетлари ҳисобига бўлмоқда. Солиқ системаси жорий этилиши билан корхоналар министрликларнинг марказлашган жамғармаларига пул ўтказишни бутунлай тўхтатадилар. Бинобарин, биз амалда кўпинча маблағларни сочиб юборишга олиб келадиган инвестицияларнинг яна бир манбаидан халос бўламиз.

Айни вақтда марказлашган инвестицияларга эҳтиёж ҳозирча анча катта бўлиб турибди. Уларнинг катта қисми иқтисодиётни ресурслар билан таъминлашга сарфланмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг: фойдали қазилмаларни қазиб олишга кетадиган сарф-харажатлар мунтазам кўпаймоқда ва бу ўсишни улар бутун федерация манфаатлари йўлида ишлаётганликлари учун корхона ёки худуд зиммасига юклаш адолатли бўлармикин. Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Айтайлик, «Чернобиль», «Орол» ва шунга ўхшаш умумдавлат миқёсидаги экологик ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан йирик программаларнинг аҳамияти ҳаммага маълум. Шундай программаларни рўёбга чиқариш учун яқин вақт ичида, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, давлат капитал маблағларининг камида тўртдан бир қисмини сарфлаш талаб этилади — бу эса бюджетни маблағ билан таъминлашнинг ҳозирги даражасига нисбатан қарийб ўн банд юқори демакдир. 1991 йилдан Иттифоқ ва республикаларнинг бюджетдан ташқари инвестиция фондларини ташкил этиш бу муаммони ҳал этишда ёрдам беради деб ўйлаймиз, бу фондларнинг 20 фоизи корхоналарнинг амортизация ажратмаларига сарфланади, фақат деҳқончилик-саноат комплексига тааллуқли корхоналаргина бундан мустаснодир. СССР Министрлар Совети бу таклифни қўллаб-қувватлашингизни сўрайди.

Нарх белгилаш ислоҳоти

Ўртоқлар!

Нарх белгилаш ислоҳоти мамлакатда бундан кейин амалга ошириладиган барча иқтисодий ўзгартишларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мутлақо равшанки, ҳозирги нархлар ишлаб чиқаришга кетаётган ҳақиқий харажатларни ҳам, талаб ва таклифларнинг нисбатини ҳам, жаҳон миқёсидаги нархлар даражасини ҳам — хуллас, иқтисодий даражаларнинг бирортасини ҳам акс эттирмайди. Бундай аҳвол қаттиқ марказлаштирилган, бошқарувнинг тақсимлайдиган системасидагина, яъни бутун ишлаб чиқаришни, бутун ишлаб чиқарилаётган ресурсларни ўз қўлига оладиган ва уларни қайта тақсимлайдиган давлатдагина бўлиши мумкин. Бунда нарх-наво ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди. Бундай нарх-наволар асосида ҳатто иқтисодиётнинг аҳволини ҳам жиддий таҳлил этиш мумкин эмас. Буни чинакам «қийшиқ кўзгулар» қироллиги деса бўлади.

Хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтган корхоналарнинг иш тажрибаси худди шу ҳозир амал қилаётган нархлар ва тарифлар системаси иқтисодий ўзгартишлар силжишига ҳаммадан кўра кўпроқ халақит бераётганлигини жуда-жуда ишончли тарзда кўрсатиб турибди. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, масала пишиб етилди.

Нарх-наво белгилашни ислоҳ қилишга тайёргарлик жараёнида уни амалга оширишда турли хил, баъзида бир-бирига қарама-қарши нуқтаи назарлар муҳокама қилинди. Ёндашувлардаги асосий тафовутлар икки хил тарзда жамланганлигини айтиш мумкин.

Биринчи вариантда ишлаб чиқариш-техникавий йўналишдаги маҳсулотларнинг, моллар ва хизмат турларининг кўпчилиги юзасидан давлат белгилаб қўйган нархлардан эркин нархларга бир вақтнинг ўзида ўтиш мўлжалланган эди.

Иккинчи вариант эса нарх белгилашнинг бозор усулларини нархлар даражаси ва ўсиши устидан давлат назорати билан уйғунлаштирган ҳолда босқичма-босқич жорий этишга асосланади.

Ушбу вариантларнинг ҳар бири қўлланиш ҳуқуқига эга эканлиги шубҳасиздир. Айрим олимлар, иқтисодчилар ва публицистлар қўлланишни талаб этаётган биринчи вариантда биз қисқа муддатда бозорни барқарорлаштиришимиз мумкин бўлур эди, чунки бунда бозор омилларининг кўп жиҳатларини ишга солиш учун анча қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилади, талаб ва таклифларни тезда мутаносиблаштиришга эришилади. Шу билан бирга, аввал таъкидланганидек, барча нархлар ва тарифларнинг ҳаддан зиёд кўтарилиши, пулнинг жиловлаб бўлмас даражада қадрсизланиши бундай қадамнинг оқибати бўлиши мумкин, бу эса нафақат кам таъминланган оилаларнинг, айни вақтда аҳолининг ўртача ҳақ тўланадиган қатламларининг ҳам турмуш шароитлари кескин равишда ёмонлашишига олиб келади. Бугун ушбу жараённинг қанча давом этишини ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини олдиндан тўлалигича айтиб бериш мумкин эмас.

Шу сабабли СССР ҳукумати иккинчи вариантни анча мақбул, деб ҳисоблайди. Унинг моҳияти 1991 йилнинг бошларида бутун нарх-наво системасини бир вақтнинг ўзида марказлашган ҳолда комплекс қайта кўриб чиқишдан иборат. Бу ана шу жабҳада тўпланиб қолган камчиликлар ва номутаносибликларни имконият қадар кўпроқ бартараф этишга, халқ хўжалиги барча тармоқлари корхоналарининг фаолиятида хўжалик ҳисобини жорий этиш учун аниқ-равшан шарт-шароит яратиш, молия системасини қайта қуриш, пул муомаласини мустаҳкамлаш имконини беради. Шундан кейин бозор нархларини белгилашни секин-аста жорий этишга киришиш мумкин. Бунда давлат белгилайдиган ва бошқариб туриладиган нарх-наволар ўз вақтида ҳаққонлик билан ўйғунлаштириб турилиши, талаб ва таклифлар таъсири остида юзага келадиган эркин нархларни қўлланиш назарда тутилади. Бозор иқтисодиёти нарх белгилаш жараёнида давлатнинг қатнашишидан тўла озод бўлиши мумкин деб ўйлаш хавфли адашиш бўлур эди.

Амалдаги барча нархларни давлат назорати остида бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш бозорнинг шаклланишига хос бўлган пулнинг қадрсизланиши ўсишини кескин камайтиришига имкон беришини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Тақдим этилган маърузада саноатдаги ва унинг тармоқларидаги улгуржи нархларнинг асосий ўзгариш кўрсаткичлари белгилаб берилган. Бунда нарх-навонинг ўртача ўсиши салкам 46 фоизни ташкил этади.

Бунда ёқилғи-хом ашё тармоқларидаги нархлар анча кўп даражада оширилади. Масалан, ёқилғи-энергетика комплексида 82 фоиз, металлургияда 71 фоиз ва химия-ўрмон хўжалигида 64 фоиз кўтарилади. Бу эса саноатимизнинг кон қазувчи ва қайта ишловчи тармоқлари маҳсулоти нархларини жаҳон нархларига яқинлаштиради, хом ашё ресурсларининг сунъий равишда арзон бўлишига барҳам беради, ресурсларни тежаш омилларини яратади.

Иттифоқдош жумҳуриятлар, илмий ташкилотлар ва деҳқончилик-саноат комплекси мутахассислари иштирокида янги харид нархлари ҳосил қилиш концепцияси ишлаб чиқилди. Унда қишлоқ хўжалиги ишлатаётган моддий ресурсларнинг қимматлашуви, банк кредитларидан фойдаланганлик учун процентли ставкаларнинг кўпайиши ва бошқа қўшимча сарф-харажатлар тўла ҳисобга олинган. Хуллас, янги харид нархлари даражаси қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида тенг айирбош қилишни таъминлайди ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун етарли бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари бўйича харид нархлари ишлаб чиқаришда тўпланиб қолаётган харажатларни ва рентабеллик даражаси тенглаштирилиши зарурлигини ҳисобга олиб, 55 фоизга қадар оширилади.

Лекин чакана нархларни ислоҳот қилиш соҳасида жуда оғир муаммолар пайдо бўлди. Худди ана шу ерда ҳам давлатнинг, ҳам ҳар бир оиланинг, алоҳида ҳар бир кишининг иқтисодий манфаатлари бир тугунга жо бўлган.

50-йилларда — 60-йилларнинг бошларида юзага келган чакана нархлар системаси ниҳоятда эскирди. Нархлар ўзгариб кетган иқтисодий шарт-шароитларга мутлақо мос келмай қолди. Улар адолатли ижтимоий сиёсат юритишга имкон бермайди. Ижтимоий программаларни рўёбга чиқаришда бу нархлар аниқ-равшан қийматдан, меҳнатга қилинган сарф-харажатдан ажралиб қолганлигига дуч келинмоқда. Шу тариқа, бу нархлар халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга халақит беряпти, талаб-эҳтиёжни бузиб юборяпти, моллар тақчиллигига сабаб бўляпти, чайқовчиликни келтириб чиқаряпти. Оммавий эҳтиёж моллари чакана нархларининг пастлиги охир-оқибатда мамлакатда иш ҳақи даражаси пастлигини ҳам белгилайди, меҳнатни рағбатлантиришга путур етказади.

Айниқса озиқ-овқат нархлари изидан чиққан. Уларнинг нархи ҳақиқий қийматига нисбатан 2-3 баравар пастдир. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш зарар кўрмоқда, ҳозир бу озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга ҳалақит бераётган асосий сабаблардандир. Агар кейинги 35 йил ичида ҳосил қилинган миллий даромад 6,5 баравар кўпайган бўлса, давлатнинг нархларга дотацияси 30 баравардан кўпроқ ортди. Ҳозир фақат озиқ-овқат маҳсулотларига берилаётган дотация 100 миллиард сўмга яқин, янги харид нархлари жорий этилиши билан эса чакана нархлар кўриб чиқилмаса, у яна қарийб 30 фоиз кўпайган ва давлат бюджети барча харажатларининг бешдан бир қисмини ташкил этган бўлур эди.

Биз деярли ҳамма энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига дотация бериладиган маррага етиб келдик. Масалан, бир килограмм мол гўшти давлатга 5 сўм 88 тийинга тушади, унинг давлат савдосидаги чакана нархи эса 1 сўм 81 тийин. Бошқа кўп маҳсулотлар ҳам шу йўл билан етказиб берилмоқда. Бундан кейин дотацияларнинг ўрнини қоплаш учун борган сари кўпроқ маблағ сарфлашга тўғри келади. Шундай қилиб, тор доира вужудга келди: биз қанчалик кўп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирсак, иқтисодий ўсишимиз имкониятлари шу даражада чегаралангандай бўлади.

Очиғини айтадиган бўлсам, чакана нархларни ислоҳ қилиш борасида биз кечикдик. Яна суст-кашлик қиладиган бўлсак, қийинчиликлар кўпаяверади.

Ноннинг нархи асосини ташкил этадиган амалдаги нархлардан фарқли ўлароқ, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг янги системасини вужудга келтириш учун базавий нарх сифатида гўштнинг нархи олинди. Бундай ёндашув асосан оқсил-сабзавот маҳсулотларига йўналтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тенденциялари аниқ ифодаланганлиги билан изоҳланади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархларини ўрта ҳисобда тахминан 2 баравар, шу жумладан гўшт маҳсулотларини — 2,3, балиқ маҳсулотларини 2,5, сут маҳсулотларини — 2, дон маҳсулотларини 3, қанд-шакарни — 1,8, ўсимлик мойини — 1,7 баравар ошириш зарур.

Бунда чакана нархларнинг янги даражаларини жорий эта туриб, биз дотациячиликдан узоқлашишга интилмаганимизни таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, гўшт-сут маҳсулотларига дотациялар қарийб 45 миллиард сўмни ташкил этади. Булардан мутлақо воз кечиш учун, айтайлик, бир килограмм мол гўшти нархини мўлжалланган 5 сўм 50 тийин ўрнига 9 сўмгача кўтаришга тўғри келар эди. Буни номақбул, деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги харажатларни ва шунга мувофиқ харид нархларини камайтириб, ҳозирги мавжуд чакана нархларни сақлаб қолиш мумкин эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, бу энг яхши йўл бўлур эди. Лекин реалист бўлиш керак.

Биз қишлоқ хўжалигимизда меҳнат унумдорлиги ҳозирча паст эканини биламизку, демак, ишлаб чиқариш харажатлари ҳам юқори бўлади. Албатта, бу харажатларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалигининг ўзида хўжасизлик, исрофгарчилик, кўплаб нобудгарчиликлар ва бошқа салбий ҳолатлар туфайли бўлмоқда. Лекин кўпгина маҳсулотлар нархининг қимматлиги — бу халқ хўжалиги комплексининг бошқа бўғинларида ҳам ишнинг ёмонлиги натижаси эканлигини кўрмаслик мумкин эмас. Ахир қимматбаҳо, лекин кўпинча кам самарали ва паст сифатли техникани, хом ашёни қайта ишлайдиган ускуналарни қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўзлари лойиҳалаштириб тайёрламайдиларку, мутлақо асоссиз қиммат чорвачилик комплекслари, омборлар ва ҳоказоларни ўзлари қурмайдилар-ку. Ахир, ана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада харажатлар, нобудгарчиликлар кўпайиб кетишига, маҳсулотнинг таннархи қимматлашувига олиб келади-ку.

Шу сабабли қишлоқ хўжалиги самарадорлиги тез ортишини ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг зарар келтиришини тугатишни кутиб ўтириш — ишларнинг ҳақиқий аҳволи билан ҳисоблашмаслик, орзуларни ҳақиқат деб кўрсатишдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда ашёвий молларнинг айрим турлари чакана нархларини ошириш кўзда тутилмоқда. Бунда газлама ва ундан тайёрланган буюмлар нархи 30-50 фоиз, пойабзал нархи — 35 фоиз, мўйна буюмлар нархи — 20 фоиз, маданий-маиший ва хўжалик моллари айрим турларининг нархи 30 фоиз, бинокорлик материалларининг нархи 50 фоиз ошади.

Квартира ҳақидан ташқари маиший ва коммунал хизмат тарифларини 70 фоиз, авиация ва темирйўл транспортида пассажир ташиш ҳақини — 50 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда.

Депутат ўртоқлар! Ҳукумат 1990 йил дон ҳосили харид нархини ошириш тўғрисида қарор қабул қилганлиги сизларга маълум. Колхозлар ва совхозларга ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўшимча омилларни мумкин қадар тезроқ яратиш учун биз шундай қилдик. Мамлакатимиз эндиликда чет элдан дон сотиб олишни вужудга келган миқёсларда сақлаб туришга қодир эмас.

Янги харид нархларининг жорий этилиши муносабати билан давлатнинг ана шу мақсадларга сарф-ҳаражатлари бу йил 9 миллиард сўм ортади. Колхозлар ва совхозлар оладиган даромад шунга мувофиқ равишда кўпаяди. Ана шундан салкам 5 миллиард сўми меҳнатга ҳақ тўлаш учун ишлатилади.

Биз доннинг харид нархини ошириб, ҳозирча нон-булка маҳсулотлари нархига текканимиз йўқ. Аммо бу соҳада маслаҳатлашиб олишимиз керак. Ахир нон дастурхонимизга етиб келгунга қадар унга қанчадан-қанча меҳнат сарфланади, одамлар тер тўкади, биз эса нонга ваҳшийларча муносабатда бўламиз. Очиғини айтайлик, нон арзон ва мўл бўлгани учун ана шундай муносабатда бўлмаяпмизми?

Бундай шароитда ҳукумат ислоҳотда кўзда тутилган нон ва нон маҳсулотлари янги чакана нархини жорий этиш муддатларини яқинлаштиришни таклиф қиладди. Буни шу йил 1 июлдан амалга ошириш мумкин бўлур эди. Бунда аҳолининг қўшимча харажатлари 17,5 миллиард сўмни ташкил этади. Бу харажатлар аҳолига тўлатўкис қайтарилади.

Бу тадбирнинг энг муҳим натижаси шундан иборатки, камида 5 миллион тонна нон тежалиши таъминланади. Аммо бошқа нарсани ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳозир ноннинг бир қисми молга берилмоқда. Шу муносабат билан марказда ҳам, республикаларда ҳам аҳолига омихта ем сотишни кўпайтириш чораларини кўриш керак.

Ҳукумат СССР Олий Советидан нон ва нон маҳсулотларига янги чакана нархларни шу йил 1 июлдан жорий этиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашни сўрайди.

Юқорида айтганимдек, нархларнинг бутун системасини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидир. Ҳукумат бошқариладиган бозорга ўтиш чоғида бундан буён ҳам халқ хўжалигидаги нархлар системаси учта асосий турни ўз ичига олади, деб ҳисоблайди. Булар

Н. И. РИЖКОВ доклади

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Биз ана шу мезонларга асосланиб, зарарни қоплаш учун тўловларнинг турлича миқдорларини белгилаб қўйиш, бундай тўловларни мамлакатнинг у ёки бу регионида таркиб топган истеъмол даражасқ ва структурасига боғлиқ қилиб қўйишни таклиф этган ёндашувни нотўғри деб ҳисоблаб рад этдик.

Шаҳар ва қишлоқ аҳлининг истеъмол манбаларидаги (айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари манбаидаги) тафовутларни ҳисобга олиш тўғрисидаги таклиф ҳам бу талабларга жавоб бермайди.

Биз зарарни қоплаш тадбирларини амалга ошириш чоғида мамлакатнинг турли регионларидаги, барча шаҳарлар ва қишлоқлардаги одамларнинг аҳволи тенг бўлишини ҳ о ҳ л а й м и з.

Ҳукумат тенгликни сўзсиз даражада устун қўйиб, зарарни қоплаш учун тўловлар воситасининг турли вариантларини ишлаб чиқди. Бунинг икки усули аниқланди. Бунинг биринчиси мутлақ миқдорда пул тўлашни жорий этиш бўлса, иккинчиси аҳолининг иш ҳақига ва ўзга пул даромадларига устама фоиз белгилаб қўйишдир. Бу вариантлардан ҳар бирининг ўз ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Шу сабабли уларни кенг муҳокама қилиш зарур.

Биринчи усул — аҳолининг барча тоифалари учун мутлақ миқдорда пул тўлашни жорий этиш. Аҳолининг кам даромадли гуруҳлари ижтимоий жиҳатдан ишончлироқ ҳимоя қилинишини таъминлашга имкон беради, кўп болали оилалар учун айрим афзалликлар беради. Лекин шу билан бирга бу усул аҳоли турли табақаларининг, энг аввало оғир жисмоний ва юқори малакали меҳнат билан банд бўлган ёки овқатланишга, кийим-кечак ва бошқа молларни олишга объектив равишда кўпроқ харажат қилишни талаб қиладиган табиат-иқлим шароитлари оғир районларда (Шимолда, Сибирда, Узоқ Шарқда) яшовчиларнинг истеъмол даражасидаги тафовутларни ҳисобга олмайди.

Жамият учун эса зарарни қоплаш учун тўловлар воситаси меҳнатга лаёқатли аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиши, меҳнат сифати ва унумдорлигининг эришилган даражасини сақлаб қолиши зарур. Зарарни қоплаш ҳақини гражданлар ўртасида уларнинг иш ҳақига ва бошқа пул даромадларига мувофиқ равишда тақсимлаб бериш принсип жиҳатидан мураккаб бўлмас эди. Бироқ бундай қилинса, иш ҳақи кам бўлган одамларнинг, шунингдек пенсионерлар ёки нафақа олувчи гражданларнинг нарх ортишидан кўрадиган зарари тўла қопланмаган бўлур эди.

Шубҳасиз, зарарни қоплаш тўловларини тақсимлашга текисчиликка асосланган ёндашув бутун тақсимлаш муносабати системасини анча бузган бўлур эди. Айни пайтда амалда текисчиликдан бутунлай холи бўлиш мумкин эмас. Чунки зарарни қоплаш тадбирларини амалга оширишнинг асосий принципи шундаки (менинг фикримга ҳамма қўшилади деб ўйлайман), кам таъминланган гуруҳларнинг ижтимоий манфаатлари энг кўп даражада ҳимоя қилиниши керак. Шунинг учун ҳам кам таъминланган гуруҳларнинг манфаатларини бирлаштиришнинг мақбул чорасини топиш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли фаоллигини рағбатлантириш воситасини вайрон қилмаслик зарур бўлади.

Ҳар иккала ёндашувнинг камчиликларини камайтириш мақсадида биз бир томондан — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ожиз табақалари юксак даражада ҳимояланишини сақлаб қоладиган, иккинчи томондан — зарарни қоплаш тўловларни ҳар бир кишининг меҳнатдаги улушига боғлиқ қилиб қўядиган аралаш усулни таклиф этамиз.

Аҳоли гуруҳлари	ҳар бир кишига зарарни қоплаш миқдори (ойига сўм)
1. Қуйидаги ёшдаги болалар	
5 ёшгача	30
6-12 ёшли	35
13-17 ёшли	39
2. Олий ўқув юртлари, техникумлар, ва ҳунар-техника билим юртлари кундузги бўлимларининг талабалари (17 ёшдан юқори)	35
3. Ишчилар, хизматчилар, колхозчилар ва иш билан банд бўлган бошқа тонфадагилар	I-вариант — 45 II-вариант — иш ҳақининг 15 фоизи, лекин камида 40 сўм
4. Ишламайдиган пенсионерлар	35
5. Қарамоқдаги одамлар (болалардан ташқари)	20

Болалар учун аталган моллар қимматлашиши муносабати билан аниқ мақсадни кўзлаб зарарни қоплаш киритилган. Бунда 5 ёшгача болаларга — ойига 5 сўм, 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга — ойига 6 сўм, 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларга — ойига 7 сўм.

Агар СССР Олий Совети ҳукуматнинг шу йил 1 июлдан бошлаб нон ва нон маҳсулотлари чакана нархини ўзгартириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватласа, у ҳолда зарарни қоплашнинг тегишли қисми қўшимча нарх жорий этилган пайтдан бошлаб бир вақтда тўлана бошлайди.

Нарх белгилаш ислоҳоти тартибга солинадиган ва эркин нархларга аста-секин ўтишни кўзда тутади. Бу эса нархларнинг қимматлашиб кетишига олиб бориши мумкин. Бу ҳолда ҳам аҳолининг жорий даромадларига индексация жорий этишга асосланган ижтимоий ҳимоя чоралари зарур бўлади .Тўловнинг миқдорини белгилаб қўйишни кўзда тутадиган зарарни қоплашдан фарқли равишда индексация аҳоли даромадларига истеъмол моллари ва хизматлар нархларининг жорий кўтарилишига қараб ўзгартириб киритишнинг махсус воситасидан иборат. Бу соҳада ҳам зарарни қоплаш учун тўловларда бўлгани каби, аҳолининг кам таъминланган гуруҳларига устунлик берилади.

Бизнинг ишончимизга қараганда, зарарни қоплаш тўловлари билан даромадлар индексацияси қўшилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатнинг бутун аҳолисига пухта ижтимоий кафолатларни вужудга келтиради. Даромадлар индексацияси муносабати билан тўловларнинг энг кам миқдорини СССР ҳукумати ВЦСПС билан биргаликда белгилайди.

Энди ишнинг ташкилий жиҳатлари тўғрисида. Зарарни қоплаш тўловларини асосий даромад олинадиган жойда ҳар ойда бир марта бериш кўзда тутилади.

Пенсионерлар, болалар ҳамда бошқаларнинг қарамоғидаги кишиларга тўловларни истиқомат жойидаги ижтимоий-таъминот идоралари амалга оширишлари лозим бўлади.

Олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчилар, аспирантлар зарарни қоплаш тўловларини стипендия тўланадиган жойдан оладилар.

Тўла хўжалик ҳисоби шароитида ишловчи корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективлари билан маъмурият ўртасида тузиладиган коллектив шартномалар доирасида ўз ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш фондларидан қўшимча мадад беришлари мумкин.

Ниҳоят мен алоҳида таъкидламоқчи бўлган сўнгги фикр. «ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий муносабатлари асослари тўғрисида» СССР Қонунига мувофиқ Иттифоқ даражасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг, пенсия таъминоти ва ижтимоий таъминот бошқа турларининг энг кам миқдоригина белгилаб қўйилади. Худди шунингдек зарарни қоплаш учун тўловнинг таклиф этилган миқдорларини давлат кафолат берадиган энг кам миқдор деб ҳисоблаш мумкин. Иттифоқдош, автоном республикалар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари регионларда вужудга келадиган ўзига хос хусусиятлар ва шароитларнинг ҳамма жиҳатларини ҳисобга олиб, зарарни қоплаш тўловлари миқдорини ўз бюджетлари маблағи ҳисобига кўпайтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳукумат ушбу масалани ҳал этишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти жуда катта эканлигини ҳисобга олиб, иқтисодиётни соғломлаштириш режаларида кўзда тутилганидек, «Чакана нархлар ислоҳотининг асосий қоидалари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари тўғрисида»ги лойиҳани умумхалқ муҳокамасига қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Халқнинг розилигисиз бу тадбирларни амалга ошириш мумкин эмас. Мамлакатнинг ҳар бир граждани унга ўз муносабатини билдириши лозим.

Юқори унумли, юқори сифатли меҳнат асосларини кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва иш билан бандлик

Ўртоқлар! Тўлақонли умумитифоқ бозорининг шаклланиши одамларнинг иш билан самарали банд бўлиши талабини биринчи ўринга қўяди, бунда одамларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгаради, меҳнат натижалари учун масъулият ортади. Ҳар бир киши учун ўз иш жойи қадрини кескин оширадиган, унга ўз қобилиятини тўла намоён қилиш имкониятини берадиган ва шу асосда турмуш сифатини мунтазам яхшилашни, ошиб борадиган шахсий эҳтиёжларини ва оиласи эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган асосларни ҳаракатга келтириш муҳимдир.

Иқтисодиётдаги унинг ижтимоий йўналишини ўзгартириш, мудофаа тармоқларини конверсиялаш, ишлаб чиқариш қурилишини қисқартириш ва кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг анча кўпайиши билан боғлиқ катта структура ўзгаришлари яқин йилларда бозорга тобора жиддий таъсир ўтказаверади.

Ана шундай шароитда иш билан таъминлаш тадбирларига икки хил нуқтаи-назарни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси, ишсизликни иқтисодиёт юксак самарадорлигининг зарур талаби деб талқин этади. Меҳнат ҳуқуқига кафолат беришдан бутунлай воз кечиш, ишсизликни маълум даражада онгли равишда сақлаб туриш, ундан ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга мажбур қиладиган қудратли таъсир ўтказиш воситаси сифатида фойдаланиш таклиф этилади.

Бундай усулнинг, айтиш мумкинки, расмий мантиқига қарамай, унга қўшилиб бўлмайди. Юксак иқтисодий самарадорликка жамиятнинг ижтимоий иллатларини кескинлаштириш ёрдамида эришиладиган бўлса, у қимматга тушади. Давлат меҳнат қилиш ҳуқуқининг конституцион кафолатларини таъминлаш учун барча зарур тадбирларни кўришга мажбурдир ва бундай тадбирларни амалга оширади.

Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнатга яроқли аҳолининг баъзи қисми вақтинча ишсиз қолиши мумкинлигини биламиз. Бироқ бунда гап «ортиқча кишилар» тўғрисида эмас, балки кучларнинг қайта гуруҳланиши тўғрисида бормоқда. Шу жиҳатдан ҳал этиш зарур бўлган мураккаб вазифалар аҳолига маданий-маиший, савдо хизмати ва шу сингари хизматлар кўрсатишни яхшилаш, ускуналарнинг иш сменалилигини ошириш учун моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасига ишчи кучларини қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлади.

Бундай шароитда биринчи даражали вазифа — меҳнат бозорини ташкил этиш чоғида муқаррар рўй берадиган жараёнлар кўлами ва жўшқинлигига тўғри баҳо беришдан ҳамда уларни самарали бошқаришни таъминлайдиган тадбирлар системасини рўёбга чиқаришдан иборат. Бундай вазифани ҳал этиш халқ хўжалигидаги структуравий силжишларга жадал мослашишни, кадрлар тайёрлаш, уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг бутун системасини қайта йўналтиришни таъминлайдиган ишга жойлаштириш соҳасида жадал ҳаракатларни талаб қилади. Шу билан бирга умумдавлат даражасида ва мамлакатнинг барча регионларида жамиятнинг меҳнатга яроқли ҳар бир аъзосига меҳнат бозорининг эҳтимол тутилган салбий таъсирларидан юксак даражада ижтимоий ҳимояланишига имкон берадиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий негизларни вужудга келтириш зарур. Биз одамларни иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни жадаллаштириш тўғрисидаги ВЦСПС таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Одамларнинг ижодий қобилиятларидан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат фаоллигини кучайтиришнинг қудратли омили бўлиши лозим. Омилкорлик бундай қобилиятлар орасида асосий ўринни эгаллайди.

СССРда омилкорлик — мулкнинг барча шакларидан фойдаланишга асосланган мавжуд қонунчилик доирасидаги ташаббускор хўжалик фаолиятидир. Ўз меҳнат ғайратлари ва ташаббускорлигини сарфлаш ҳисобига, шунингдек ишнинг коллектив натижаларини яхшилаш йўли билан ўз турмуш даражасини жиддий яхшилаш имконияти пайдо бўлади. Мулкчилик ва хўжалик укладларининг ҳилма-хил шакллари ривожланиб борган сайин бу ишнинг аҳамияти ошиб бораверади.

Омилкорлик шакллари ғоят хилма-хил бўлиши мумкин. Якка тартибдаги ва оилавий меҳнат фаолияти, кооператив, акционерлик, ижара корхоналари, хўжалик ширкатчилиги шулар жумласидандир.

Биз гражданларнинг омилкорлиги ва эркин хўжалик ташаббусини одамларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишни енгиллаштириш имконини берадиган қудратли омил деб билишимиз зарур. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибасига кўра, ҳатто озгина омилкорлик ҳам миллион-миллион меҳнаткашлар ишини енгиллаштиришга қодирдир.

Бу иш мамлакатимиз учун бутунлай янги эканлигини ва шунинг учун омилкорликни ривожлантиришга оид тадбирларнинг босқичлари ва изчиллигини аниқлаб олишда мамлакатда вужудга келаётган иқтисодий ва ижтимоий вазиятга асосланиш кераклигини ҳукумат тўла англайди.

Социологик таҳлил шуни кўрсатадики, кооператив ҳаракатда йўл қўйилган камчиликлар, шунингдек корхоналар коллективларининг ҳудбин гуруҳбозлик манфаатлари пайдо бўлиши ҳоллари аҳолида салбий муносабат уйғотди. Шунинг учун биз бундан тегишли хулосалар чиқаришимиз керак. Чунки ўз моҳияти жиҳатидан бундай илғор ва биз учун ғоят зарур бўлган кооператив ҳаракати унинг фаолиятидаги молиявий ҳамда иқтисодий омиллар яхши ишламаганлиги туфайли кўп жиҳатдан ўзини обрўсизлантириб қўйди.

Меҳнат бозори нормал ишлаши учун биз ҳам кўп нарсани олдиндан кўзда тутишимиз лозим. Масалан, гражданларнинг мамлакатнинг бутун территорияси бўйлаб эркин кўчиб юриши имконияти жуда зарурдир. Бунинг учун эса уй-жой бозорини вужудга келтириш талаб этилади.

СССР Президентининг Фармонига мувофиқ, ҳукумат яқин вақт ичида шу билан боғлиқ масалалар бутун туркумини ишлаб чиқади. Шундай шарт-шароит яратиш муҳимки, ҳар бир граждан эркин тарзда ўз хоҳишига кўра квартирали ёки уйли бўлиши, жумладан уларни сотиб олиши, узоқ муддатли қарзга ёки ижарага олиши мумкин бўлсин.

ССР Иттифоқи билан жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар

Ўртоқлар! Биз ҳаммамиз совет федерациясида рўй бераётган мураккаб ва ўзига хос жараёнларнинг гувоҳлари бўлиб турибмиз. Жамиятимизни демократиялаш марказ билан бошқарувнинг аввалги маъмурий-буйруқбозлик системаси, қаттиққўл марказлаштирилган планлаштириш тазйиқида бўлган жойлар ўртасидаги зиддиятларни юзага чиқарди.

Аммо бугунги кунда федерациямиздаги ишларнинг аҳволига баҳо берар эканмиз, уни янгилаш борасида ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилган ишларни кўрмаслик мумкин эмас. Кейинги йиллар давомида марказ ваколатларининг кўп қисми иттифоқдош республикаларга ўтказилди, маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди, ССР Олий Совети ССР Иттифоқи билан иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини конституцион жиҳатдан янгича тарзда белгилаб берувчи бир қанча муҳим қонунларни қабул қилди.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш янги қонун ҳужжатлари берадиган ҳуқуқларни тўла даражада рўёбга чиқаришга, совет федерациясини сифат жиҳатидан янги, бирмунча юксак даражага олиб чиқишга, интеграция жараёнларини кучайтиришга қодир иқтисодий воситаларни вужудга келтиради. Бутун халқ хўжалиги комплекси ишининг самарадорлигини анча оширадиган умумиттифоқ бозори бундай жараёнларни ривожлантиришнинг негизи бўлиши лозим. Ғоят кенг кўламдаги умумиттифоқ бозорида эркин фаолият имкониятларидан фойдаланиш барча жумҳуриятлар учун фойдали бўлиб, улардаги хўжаликларнинг ўзига хос регионал хусусиятлари бу борада ҳар томонлама ишга солинади. Жумҳуриятларнинг миллий чегараларида биқиқ иқтисодий бозорлар ташкил этишга уриниш — боши берк кўчага олиб киради. Бизнинг келажагимиз ҳамма учун СССРнинг ягона умумий бозорини шакллантиришдадир.

Ҳукумат концепцияни тайёрлашда амал қилган ССР Иттифоқи билан жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қоидаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз энг аввало федерациянинг иқтисодий негизларини янгилаш барча иттифоқдош жумҳуриятлар ва мамлакатимиз халқларининг манфаатини кўзлаб амалга оширилиши, уларни ажратиб юбормай, балки бирлаштириши ҳамда шу тариқа ҳар қандай кўринишдаги иқтисодий айирмачиликка қарши қаратилиши зарурлигига асосландик.

Иккинчи энг муҳим қоида шундан иборатки, амалга оширилажак ишни янги конституцион негизда рўёбга чиқариш мўлжалланмоқда. Бунинг моҳияти иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтисодий суверенитети ва мустақиллигини таъминлашдир. Иттифоқ шартномасини янгилаш ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг ССР Иттифоқи билан ва ўзаро шартномавий муносабатлари мазмунини аниқлаш — кенг кўламдаги вазифадир.

Ўзаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар қандай шаклида халқ хўжалигини қаттиққўл бошқарувнинг амалдаги системасини бозор муносабатлари усулларини ривожлантиришга ҳамда корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг қаерга бўйсуниши ва мулк шаклларидан қатъи назар улар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга асосланган бошқарув системасини ўзгартиришни кўзда тутиш зарур. Хўжалик юритувчи барча субъектларга умумиттифоқ бозорига бемалол чиқиш имконияти берилиши керак.

ССР Олий Совети қабул қилган қонун ҳужжатлари мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига раҳбарлик қилишда иттифоқдош жумҳуриятлар билан ССР Иттифоқининг ваколатларини ҳамда уларнинг масъулиятини аниқлаб беради. Иттифоқ идоралари даражасида ҳал этиладиган муаммолар айрим жумҳуриятлар учун уларнинг ССР Иттифоқи билан қўшма программаларини бажаришдаги иштироки даражаси сингари турлича бўлиши мумкин.

Аммо умумий жиҳатдан гапирадиган бўлсак, энг аввало мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш иқтисодларини ишлаб чиқиш, умумиттифоқ аҳамиятидаги давлат программаларини рўёбга чиқаришга раҳбарлик қилиш, жумҳуриятлар билан биргаликда давлат плани ва бюджетини ишлаб чиқиш, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиб туриш Иттифоқ идоралари ваколатида қолади.

ССР Иттифоқи учун умумий бўлган нарх белгилаш, молия, кредит ва пул муомаласи, меҳнатга ҳақ тўлаш ва аҳолига ижтимоий кафолатлар, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги сиёсат негизларини, шунингдек иттифоқдош жумҳуриятлар иштирокида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларига принципиал ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳам марказ ихтиёрида қолади.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бошқа барча масалаларини иттифоқдош жумҳуриятлар мустақил равишда ёки бошқарувнинг Иттифоқ идоралари билан биргаликда ҳал этадилар.

Учинчи асосий қоида шундан иборатки, дастлабки турли имкониятларни бараварлаштириш ҳамда таркиб топган иқтисодиётни ихтисослаштиришни, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиш учун айрим жумҳуриятларни умумдавлат миқёсида муайян даражада қўллаб-қувватлаш зарур.

Территорияларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишида иттифоқдош жумҳуриятларнинг дастлабки шароитлари бир хил эмаслигини ҳисобга олиш зарур. Чунончи, 1989 йилда РСФСР, Белоруссия, Болтиқбўйи жумҳуриятларида ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ҳар бир киши бошига миллий даромад ишлаб чиқариш 6,5 минг сўмдан қарийб 7,5 минг сўмни ташкил этди. Ваҳолонки, Ўрта Осиё жумҳуриятларида ва Қозоғистонда бу кўрсаткич 3,5 минг сўмдан қарийб 5 минг сўмгача бўлди. Ана шу жумҳуриятлар аҳоли жон бошига товарлар истеъмоли ва хизматлар ҳажми жиҳатидан ривожланган регионлардан орқада қолмоқда, уй-жой билан таъминланиш жиҳатидан эса янада кўпроқ — 2 баравардан зиёд орқада қолишмоқда.

Шунинг учун объектив сабабларга кўра, бирмунча ноқулай аҳволда қолган жумҳуриятлар ва миллий тузилмаларга ёрдам бериш воситаларини ишлаб чиқиш лозим. Бундай воситалар бир қанча жиҳатларни:

ўтиш босқичида солиқ олиш, пул билан таъминлаш ва қарз беришда, бозорнинг бошқа омилларини қўлланишда уларга иқтисодий имтиёзлар беришни;

умумиттифоқ ва регионал программаларни рўёбга чиқаришда айрим жумҳуриятлар иштирокининг шартномаларда кўзда тутилган алоҳида шартларига йўл қўйишни;

ва ниҳоят, регионал ривожланишнинг махсус фондини вужудга келтиришни қамраб олиши лозим. Регионал ривожланиш фондини иттифоқдош жумҳуриятлар ишлаб чиқарган миллий даромаддан ажратмалар қисмига тенг асосда шакллантириш ҳамда улардан Иттифоқ ва жумҳурият ҳукуматларининг қўшма қарорлари асосида фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Ўтиш даврида бозор муносабатларини ривожлантириш ва халқ хўжалигини моддий жиҳатдан мувофиқлаштириш тўғрисида

Депутат ўртоқлар! Энди бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошқача, айнан: халқ хўжалиги ва унинг энг муҳим секторларининг моддий жиҳатдан мувофиқлаштирилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ижозат берсангиз. Зотан, бозор муносабатларига, хўжалик фаолияти эркинлигига кенг йўл очиб, ишлаб чиқаришда жиддий узилишларга йўл қўймаслик, халқ хўжалигининг моддий жиҳатдан мувофиқлаштирилишига, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари ва хизматларига эҳтиёжини қондиришга эришиш ўтиш даврининг энг қийин вазифасидир.

Биз ўн йиллар давомида халқ хўжалигининг моддий жиҳатдан мувофиқлаштирилишини план топшириқларини ва маҳсулотни марказлаштирилган тарзда тақсимлаш ёрдамида таъминлашга интилиб келдик ва ҳеч қачон биз кутилган натижаларга муносиб даражада эришишга муваффақ бўлмадик. Аксинча, камомад йил сайин кўпайиб борди. Истеъмолчиларнинг талаблари ошиб бориши билан ишлаб чиқариш омиллари сусайди. Ҳеч нарса истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжларини чеклашига, ресурсларни тежашига сабаб бўлмади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шунинг учун ҳам зарурки, у ана шу тенденцияларга барҳам беришга, омилкорлик ва тежамкорлик билан хўжалик юритишга, истеъмолчиларнинг талабига фаол муносабатда бўлишга мажбур этишга қодирдир. Шу йўл билангина иқтисодиётда мувофиқлаштиришга ўтиш мумкин.

Бироқ бу ишни бирданига амалга ошириш қийин. Ривожланган бозор инфраструктураси бўлмаса таркиб топган хўжалик алоқалари барбод бўлади, янгича, бирмунча оқилона муносабатлар эса бирданига йўлга қўйилмайди, деган хавфсираш бор. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларини ривожлантира бориб, ишлаб чиқариш воситалари, озиқ-овқат, бошқа хил кундалик харид моллари бозорини ташкил этишда муайян ваколатларни давлат ихтиёрида сақлаб қолиб, вазминлик билан иш кўриш лозим.

Бунда гап нима ҳақда боряпти? Бозор сотувчилар ва харидорларни мустақил топишни, улар учун ўзаро мақбул шартларда моллар сотишни кўзда тутади. Бизнинг корхоналаримиз эса маҳсулот сотишни, моддий ресурслар билан таъминлашни улар учун кимдир йўлга қўйишига ўрганиб қолганлар. Кўпгина корхоналар ҳеч ким фонд ва лимитлар ажратмайдиган, ҳужжатлар берилмайдиган пайтда нима қилиш кераклигини билмасликлари учунгина қийин аҳволда қолишлари мумкин.

Дастлабки босқичда зарур воситачилик тармоғини шакллантириш, товар биржалари, ярмаркалар, коммерция ахборот системалари, банклар, суғурта фирмаларини ташкил этишнинг жадал жараёнлари амалга оширилади. Бусиз бозор нормал ишлай олмайди. Бундай йўналишда СССР Давлат таъминот комитети, барча жумҳурият, тармоқ ва маҳаллий тақсимот органлари структураси ва функцияларида ўзгаришлар бўлиши керак, албатта. Ҳуллас, ҳозирдаёқ халқ хўжалигида ташкил этилган ва салкам 8 мингта ташкилотни ўз ичига олган мол ўтказиш тармоғи янги бозор инфраструктурасининг негизини ташкил этиши лозим.

Коммерция, маркетинг асосларини эгаллаш, тегишли кадрларни тарбиялаш ва ўқитишга тўғри келади. Биз фаолиятнинг мазкур соҳасидаги кўникмаларнинг анча қисмини бой бердик. Савдога ва у билан шуғулланаётган кишиларга нисбатан салбий, менсимай муносабатда бўлиш таркиб топди — гўё улар моллар тақчиллигидан фойдаланувчи ишбилармонлар, чайқовчилар, уюшган жиноятчилар деган тушунча пайдо бўлди.

Афсуски, бундай мулоҳазаларда қисман ҳақиқат бор. Аммо шуни назарда тутиш керакки, бунда энг аввало кўрсатма беруувчи ва маҳсулотни тақсимловчи система айбдордир. Чунки бундай система омилкорликка йўл бермай, айни пайтда ўзининг ношудлиги билан махфий иқтисодиёт, кўпдан-кўп суиистеъмоллар учун қулай замин яратди.

Бозор — бу савдо демакдир. Маданиятли ва маърифатли савдо ходими, коммерсантсиз бозорни тасаввур қилиб бўлмайди, чунки улар ўзларига тегишли ресурсларни тақсимлаш билангина банд бўлган давлат амалдорларининг ўрнини эгаллаб, товарлар ҳаракатини йўлга қўядилар. Савдо товар айирбошлашнинг пассив соҳаси эмас, балки энг аввало ишлаб чиқаришнинг ҳаракатга келтирувчи ва бошқариб турувчи кучи, деб ҳисобланиши лозим. Маҳсулотни сотиш ишлаб чиқаришнинг давомидир деган маълум қоидани эслайлик. Иқтисодий жиҳатдан жохил кишигина воситачини чайқовчи деб билади. Шунинг учун биз таркиб топган қолоқ фикрлашга барҳам беришимиз, савдони қайта ташкил этиш ва ривожлантириш борасида фаол иш олиб боришимиз, моллар ва хизматларнинг эркин ҳаракатига тўсқинлик қилувчи эскирган структураларни тугатишимиз керак.

Ана шу жараёнлар етилиб бораётган ва янги структуралар мустаҳкамланаётган бир даврда, биз ана шуларни диққат-эътибор билан кузатиб бориш ва ҳар жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлаб, зарур маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги, одамлар жуда зарур нарсаларга муҳтожлик сезмаслиги ҳақида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Ҳукумат бу масаладаги ўз позициясини белгилаб олди ҳамда моллар бозорининг хилма-хил турлари қарор топиши тўғрисидаги таклифларни тайёрлади.

Аввало, ишлаб чиқариш воситалари бозори ва халқ хўжалигининг моддий мувозанатини таъминлаш тўғрисида гапирмоқчиман. Бу ердаги аҳвол жуда мураккаб бўлиб турибди. Катта мустақилликка эга бўлган корхоналар кўпинча контрол рақамлар ва ҳатто давлат буюртмаларини ҳам назар-писанд қилмай ишлаб чиқариш планларини ўзлари тузмоқдалар. Бунинг устига улар кўпинча шартнома мажбуриятларини ҳам бажаришмаяпти. Аммо шунга қарамасдан ўз планларининг моддий жиҳатдан таъминланишини давлатдан талаб қилмоқдалар. Танг қоладиган вазият юзага келди: корхонадагилар, планни ўзимиз тузамиз, ўз манфаатларимизни назарда тутамиз, марказ эса бизга шу планни бажариш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни берсин, дейишмоқда.

Зиддиятларнинг ана шу чигалини ечиш учун шундай шароит вужудга келтириш керакки, бу ҳолда корхоналар ўз планларини мустақил тузиш имкониятига эга бўлиш билан бир қаторда ана шу планларнинг моддий-техника таъминоти учун ҳам жавобгар бўлсинлар. Демак, корхоналар бир-бирлари билан ҳамжиҳатликда ана шундай ресурсларни сотиб олиш масалаларини ҳал қилишлари учун моддий ресурсларга қўллари етадиган бўлиши лозим.

Шу боисдан ҳам ресурсларни марказлаштирилган йўсинда тақсимлашни тубдан қисқартириш ва давлат буюртмаларини қарор топтиришга ёндашувларни қатъий ўзгартириш зарурати пайдо бўлди.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, ҳозирда амалда бўлган усул директив топшириқдан аслида фарқ қилмаганлиги учун кўпинча танқид қилинар эди. Дарҳақиқат маҳсулотнинг энг муҳим номенклатураси бўйича давлат шу маҳсулотнинг 95 фоизига қадар, яъни асосий қисмига буюртма беради. Бу моддий ресурслар орқали корхоналарга таъсир ўтказиш, уларни зарур буюмларни ишлаб чиқаришга мажбур этиш учун муайян имконият яратади. Аммо айни вақтда икки йиллик тажриба шундан далолат бериб турибдики, шу йўл билан моддий мувозанатга эришиш мушкул бўлиб турибди. Башарти, таркиб топган тартиб сақланиб қоладиган бўлса, бозор муносабатлари ривожланмайди. XXI аср арафасида пинҳона савдонинг «равнақи»ни кўриб турганлигимиз бежиз эмас.

Маҳсулот турларини тақсимлаш сонини жуда кўп даражада қисқартириш мумкин, албатта. Аммо неча ўнлаб маҳсулот турларини, масалан, қора ва рангли металлар прокати ёки ҳатто уларнинг айрим турлари сингари ресурсларни, цемент, ёғоч-тахта, айрим кимёвий материаллар, ёнилғини марказлаштирилган йўсинда тақсимлашни тўла асраб қоладиган бўлсак, корхоналарни мустақил фаолияти чекланиб қолади. Шунинг учун ҳам биз бу йўналишдаги чоралардан ўзимизни тийдик.

Бошқа бир йўл ҳам бор — у ҳам бўлса маҳсулот тайёрловчи ўз фаолияти учун зарур бўлган барча нарсаларни ўзи мустақил сотиб олиши йўлидир. Марказлаштирилган тартибда тақсимлаш бу ўринда батамом барҳам топади. Умуман бу йўл жуда истиқболли йўлдир. Лекин, афсуски, бу йўлдан бозор тараққиётининг муайян босқичидагина фойдаланиш мумкин, холос. Бу ўринда таклиф ҳамиша талабдан илгарилаб кетиши керак. Бунга яқин орада етишмасак керак. Шунинг учун ҳам бозор сари ҳаракатимизнинг дастлабки босқичида ресурсларни марказлаштирилган тартибда тақсимлашдан батамом воз кечиш бемаврид иш бўлур эди.

Энди учинчи йўлнинг моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, давлат буюртмаси энг муҳим маҳсулотнинг чекланган номенклатураси бўйича муайян мақсадлар учун зарур ҳажмда белгилаб қўйилади. Бундай ёндашувда муҳими шуки, энг кам мақсадлар сони танлаб олиниши, давлат буюртмаларининг шартлари эса маҳсулот тайёрловчилар учун фойдали бўлиши керак. Агар нарх ва солиқ имтиёзларига оид тегишли сиёсат юритиладиган бўлса бунга эришиш мумкин. Шу билан бир қаторда биринчи босқичда давлат буюртмаларининг мажбурийлигини сақлаб қолиш ва бу буюртмалар бажарилмаган ҳолда қаттиққўллик билан чоралар кўрилишини назарда тутиш керак.

Ҳукумат бу йўлни бозорга ўтиш даврининг мақсадлари ва имкониятларига тўлароқ жавоб берадиган йўл, деб эътироф этди. 1991 йилдан бошлаб давлат буюртмалари таркибини қуйидаги мақсадлар билан чеклаб қўйиш назарда тутилмоқда: булар—мудофаа эҳтиёжлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият буюртмалари, мамлакатнинг экспортга оид мажбуриятларини бажариш, умумдавлат илмий-техника программаларини амалга ошириш, аҳоли учун бозор фондини шакллантириш ва давлат моддий-техника резервларини вужудга келтиришдан иборат. Деҳқончилик-саноат комплекси ва енгил саноатнинг барқарор ишини таъминлаш алоҳида зарурлиги ҳисобга олинди, ресурсларнинг энг муҳим турлари бўйича, ушбу тармоқлар асосий мақсадлар сифатида давлат буюртмаси таркибига киритилди.

(Давоми тўртинчи бетда).

Н. И. РИЖКОВ докладн

(Давоми. Бошн биринчи, иккинчи ва учинчи бетларда).

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган муайян вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган давлат буюртмасининг чекланган номенклатурасидаги маҳсулот ҳажмигина марказлаштирилган тарзда тақсимланади. Манфаатларнинг ана шу доирасига тааллуқли бўлмаган ҳамма нарса эркин сотувга чиқарилади. Ҳисоб-китоблар шундан далолат бериб турибдики, бу йўл қўлланилганида ишлаб чиқариш воситалари тайёрлашнинг умумий салмоғида давлат буюртмасининг улуши 40 фоиздан ошмайди. Демак, ишлаб чиқариш воситалари бозорини ривожлантиришга яхши омил бахш этиш учун чинакам имконият пайдо бўлади.

Шуни айтишим лозимки, бундай ёндашувга ҳамма ҳам яқдил бўлиб тарафдор бўлмади. Қарши чиққан кишилар, шундай йўл тутадиган бўлсангиз, моддий мувозанатни барбод этасизлар, деб таъкидлашди. Назаримда, шу таҳлитда хавотирланиш марказлаштирилган йўсинда тақсимлашнинг қон-қонига сингиб кетган куч-қудратга асосланади. Аммо бизнинг бутун тажрибамиз шундан далолат бериб турибдики, ҳамма нарса марказлаштирилган йўсинда тақсимланган даврда ҳам биз ҳеч қачон юз фоиз моддий таъминотга эриша олмаган эдик, биз ҳамиша ўткир камоматни ҳис этиб яшадик. Келгуси йилдан бошлаб аслида халқ хўжалиги барча тармоқларининг ёндош алоқаларга ўтиши ҳамда корхоналарнинг ишлаб чиқариш воситалари бозоридаги бевосита ўзаро таъсири сира жўн кўчадиган иш эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ таркиб топган хўжалик алоқаларини имкони борича кўпроқ даражада сақлаб қолиш ҳақида ўйлашимиз керак. Такрор айтаманки, тегишли ишни ҳозироқ бошлаш керак. Ҳукуматнинг фикрича, моддий-техника таъминотининг ҳозир мавжуд бўлган барча системаси дарҳол шу вазифани ҳал этишга киришмоғи ва ўзининг воситачилик фаолияти билан янгича ҳамкорлик ўрнатиш учун корхоналарга ёрдам бериши керак.

Бозор муносабатлари шароитидаги инвестиция комплекси

Инвестиция соҳасидаги аҳволни нормаллаштириш ўтиш даврида алоҳида аҳамиятга моликдир. Шуни айтиш зарурки, инвестиция халқ хўжалигининг кўп йиллар мобайнида самара бериши лозим бўлган ресурсларнинг жуда катта қисмини «ютиб» кетиб ва карахт қилиб қўйиб, молиямизни беқарор этган соҳаси бўлиб турибди. Кўпдан-кўп чора-тадбирлар кўрилган бўлса ҳам, аммо қурилиш муддатларини сезирарли даражада қисқартиришга, кучлар ва воситаларни асосий объектларга жамлашга муваффақ бўлинмади. Назаримда, бунинг боиси шундаки, ҳозиргача ҳам биз, асосан, эски хўжалик юритиш системаси доирасида ҳаракат қилдик, холбуки ана шу системадан кескин воз кечибгина юқорида тилга олинган иллатлардан ҳоли бўлиш мумкин.

Маълумки, ҳали яқингача ҳам капитал маблағларнинг асосий қисми марказлаштирилган йўсинда тақсимланар эди ва бу, кўп йиллик тажриба кўрсатиб турганидек, шу маблағлардан самарали фойдаланишга сира қафолат бермас эди. Ислоҳот чоғида инвестиция маблағларнинг катта қисми корхоналар ихтиёрига берилди. Шуни айтиб ўтиш кифояки, 1990 йилда ана шу мақсадларга сарфланаётган 174 миллиард сўмнинг қарийб 84 миллиард сўми марказлаштирилган капитал маблағлар ҳиссасига тўғри келади. Келгуси йили бу ҳиссани яна ҳам камайтириш мўлжалланмоқда.

Хўш, натижа қандай бўлаяпти? Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаётган корхоналар инвестицияларни тежаб-тергаб сарфлайдилар, деб умид қилган эдик. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Ўша бадном бўлган чала қурилишлар, дард устига чипқон дегандек, яна ҳам кўпайиб кетди. Сўнгги тўрт йил мобайнида чала қурилишлар ҳажми 60 миллиард сўмлик кўпайди ва 181 миллиард сўмга етди, бу инвестициялар йиллик ҳажмининг 94 фоизини ташкил этади!

Сабабларни қидирар эканмиз, иқтисодиётнинг мувозанатсизлигини ҳам, бинокорлик корхоналардаги қувватлар ва ускуналарнинг тақчиллигини ҳам назардан соқит қилмаслигимиз лозим, албатта. Аммо агар муаммонинг илдизини топишга ҳаракат қилар эканмиз, шу нарса равшан бўлиши керакки, ихтиёримиздаги ёндаш алоқалар негизида, бозор асосида молиявий ресурсларнинг тўпланиши ва ушбу ресурслардан жуда самарали фойдаланишни таъминлайдиган рағбатлантириш омилларининг иқтисодий дастури йўқлигига дуч келамиз.

Ишончим комилки, агар биз шундай дастурни яратмасак, у ҳолда, умуман бозор муносабатларига ўтишнинг ўзи ҳам мушкул бўлиб қолади. Бу соҳада шу яқин орада бозорни бунёд этиш мушкулни осон қилади. Бунинг учун асос бор. Энг муҳими — бу соҳадаги монополизация саноатдагига нисбатан анча камдир, қурилишдаги идора усули чапдастроқдир, бу усул иқтисодий рағбатлантиришларга мойилроқдир.

Аммо буюртмачи ихтиёридаги бўш маблағларни муддати узлуксиз бўлган қурилишларга ва янгидан бошланаётган қурилишларга сарфлаш имконияти, самарасиз лойиҳаларни амалга ошириш сақланиб қолар экан, қурилишдаги қувватлар билан қурилиш-монтаж ишларининг қолган қисмини пудрат ишлари бозоридан топадилар.

Ҳукумат уй-жой қурилишини алоҳида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган инвестиция комплекси фаолиятининг йўналиши деб билмоқда. СССР Министрлар Совети бундан буён ҳам уй-жой муаммосини ҳал этиш программасига амал қилаверади. Бозор иқтисодиёти шароитида қўшимча тадбирлар талаб этилади. Уй-жой қурилиши давлат томонидан ҳам ва айниқса ҳар бир иттифоқдош жумҳурият, регион ёки вилоят томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши керак. Бинокорлик саноати ва қурилиш материаллари саноати базасини ҳам ривожлантиришни кўзда тутадиган ана шундай қўллаб-қувватлаш бўлиши керак.

Ўртоқлар!

Илмий-техника соҳасида ҳам бозор муносабатларини ривожлантириш зарур.

Бозор муносабатлари аввало амалий тадқиқотларга ва ишлаб чиқаришда янги техника ҳамда технологияларни ўзлаштириш билан якунланадиган ишланмаларга тааллуқли бўлиши лозим. Илмий-техника фаолиятини ташкил этишнинг жуда умумий формаларидан бири хўжалик ҳисоби шартномалари бўлади, ишланмаларнинг натижалари мол сифатида сотилади. Бозордаги рақобат мамлакатдаги илмий-техника тараққиётига омил бахш этади, албатта.

Фундаментал тадқиқотларга келганда, бундай тадқиқотларга бундан буён ҳам давлат ҳомийлик қилади, Иттифоқ ва жумҳуриятлар манбалари келажакда ҳам маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Деҳқончилик саноати комплекси бозор муносабатлари шароитида

Ўртоқлар!

Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш биз учун нечоғлиқ муҳим эканлигини гапириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак. Шунга имоним комилки, бу позицияни совет кишиларининг аксарияти маъқуллайдилар, деб ўйлайман, озиқ-овқат таъминотини нормаллаштириш ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тусдаги энг ўткир масалаларни бартараф этади. Бу ўринда ҳам биз бозор муносабатларига умид боғласак, арзийди, дарҳақиқат, деҳқончилик саноати комплекси бошқа тармоқларга нисбатан кўпроқ бозор муносабатларига мойилдир. Агар кенгроқ маънода уқиб оладиган бўлсак, худди ана шу бозор одамларнинг унумли меҳнат қилишдан манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ерга ва ишлаб чиқариш воситаларига муносабатини тубдан ўзгартириши, омилкор хўжайинни юзага чиқариши, рақобат ва беллашувни қайтадан тиклаши керак.

Бозор кўпгина чигалликларни ечиш ва қишлоқ хўжалигида юзага келган мувозанатсизликни туғатиш имконини беради. Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги тажриба шундан далолат бериб турибди.

Деҳқончилик саноати комплексида бозор муносабатлари қарор топа бошлади. Деҳқончилик саноати корхоналарининг колхоз бозорларидаги, фирма дўконларидаги савдоси тобора кенг қўлам касб этмоқда, мева-сабзавот маҳсулоти ва картошкани шартномавий нархларда сотиш кенг тус олмоқда. Матлубот кооперацияси озиқ-овқат молларини аҳолидан харид қилиб, 10 миллиард сўмликдан кўпроқ молни келишиб олган нархларда сотмоқда.

Шу билан бир қаторда шуни ҳисобга олиш керакки, деҳқончилик саноати комплекси иқтисодиётдаги ва ўз шериклари билан муносабатлардаги ҳар хил айнишлардан кўпроқ озор чекади. Бу соҳадаги ҳар қандай нуқсонлар ишлаб чиқаришнинг сусайиб кетишига олиб келиши, жамиятнинг барча қатламларини оғир вазиятга солиб қўйиши мумкин. Демак, деҳқончилик сектори иқтисодиётини бозор изларига солиш, айниқса вазминлик билан қарорлар қабул қилинишини талаб этади.

Деҳқонга хўжаликни мустақил юритиш учун ҳамда етиштирилган ҳосил ва олинган даромадни ўз ихтиёри билан тасарруф этиши учун реал имконият бериш, қишлоқдаги мулкчиликнинг барча формаларини ва хўжаликни юритиш учун қулай иқтисодий шарт-шароитларни яратиш — ҳозирги аграр сиёсатнинг моҳиятидир.

Бу ерда гап колхозлар ва совхозларни тарқатиб юбориш ҳақида бораётгани йўқ, албатта, балки ижарани ривожлантириш, кооперативларнинг ихтиёрий уюшмаларини бунёд этиш орқали (бу уюшмада ишловчи ҳар бир киши ижтимоий фондларнинг эгаси бўлади) ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган тарзда ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш тўғрисида, шунингдек, мустақил деҳқон хўжаликлари ва уларнинг бирлашмалари ҳақида сўз бормоқда. Эндиликда на колхозчи, на совхоз ишчиси «мардикор» деб таҳқир қилинмайдиган бўлади. Қишлоқнинг янгиланишини бошлаб берган Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар бозор иқтисодиёти шароитида рўй рост ўзини кўрсатади. Қишлоқдаги ўзига тўқ деҳқон, бозорга фаол таъсир ўтказадиган омилкор хўжайин бугун бизга зарурдир.

Деҳқончилик саноати комплексида ўтиш даврида бир қанча устун тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган. Шуларнинг энг муҳимлари хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Булар, аввало қишлоқ иқтисодиётини молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган тадбирлардир. Дон ҳосилининг харид нархларини ислоҳотда белгиланганидан бир йил илгарироқ, яъни 1990 йилдан ошириш, айни вақтда саноат маҳсулоти ва омихта ем учун белгиланган амалдаги улгуржи нархларни ўз ҳолича қолдириш ҳақида мен юқорида эслатиб ўтган эдим. Фақат шунинг эвазигагина қишлоқ хўжалик даромадлари 9 миллиард сўм кўпаяди.

Ҳали таъкидлаб ўтганимдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бошқа барча турлари харид нархларини ошириш тўғрисида таклифлар тайёрлаб қўйилган. Айни вақтда далалар ва фермалар маҳсулоти учун тўловлар ҳозиргина нисбатан 39 миллиард сўм кўпаяди, хўжаликлар кўраётган фойда эса тахминан 19 фоиз ошади, ўсади.

Ижара коллективлари, деҳқон хўжаликлари ва кооперативлар тузилаётган колхозлар ва совхозлар олган ссудалар бўйича илгарироқ муддати узайтириб қўйилган қарзлардан кечиб ҳам юборилади. 1990 йилда 25-30 миллиард сўм қарздан кечилса керак. Бу маблағни давлатнинг ички қарзини кўпайтириш ҳисобига киритиш таклиф этилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳукумат деҳқончилик саноати комплексининг хусусияти ва алоҳида ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олди ва ушбу комплекс марказлаштирилган тартибда тақсимланадиган моддий-техникавий ресурсларнинг энг муҳим турлари билан кафолатли таъминланиши лозим бўлган асосий соҳаларнинг чекланган рўйхатига киритилди. Бундан буён ана шундай ресурслар билан эркин савдо қилиш ҳажмларини кенгайтириш йўли изчиллик билан ўтказилади.

Моддий-техника таъминотининг таркиб топган тақсимлаш системасининг жиддий нуқсонлари ҳаммага маълум. Қишлоққа яроқсиз, баъзан эса нозарур техника кўплаб жўнатилмоқда. Қишлоқ корхоналари ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаётган корхоналарга таъсир ўтказиш учун аслида бирор бир омилга эга эмаслар. Начора, уят бўлса ҳам айтиш керак: кўп йиллардан буён қишлоқ хўжалигида бирор тармоқни ҳам комплекс механизациялашга муваффақ бўлинмади.

Яна бир масалага диққат-эътиборингизни тортмоқчи эдим. Мамлакатда инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқараётгани муносабати билан жумҳуриятлар даражасида қишлоқ жойларида амалга оширилаётган ва аввало қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш билан боғлиқ бўлган янги иморатларни қуришда пудрат ишларининг устунлигини таъминлаш керак бўлади.

Ўртоқлар, биз бутун экономикани бевосита маҳсулот етиштирувчининг — деҳқоннинг эҳтиёжларига буриб юборишимиз муҳимдир. Ер ҳақидаги, Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара ва ижара муносабатлари ҳақидаги янги қонунлар тўла куч билан ишлай бошлаши учун уларни ер ислоҳотини амалга оширишнинг муфассал ишлаб чиқилган воситаси билан мустаҳкамлаш, чора-тадбирлар, молиявий ва моддий-техникавий бойликлар билан хўжалик юритишнинг янги шакллари қарор топишига ёрдам бериш зарур.

Ҳукуматнинг фикрича, бозор иқтисодиётида озиқ-овқат моллари ишлаб чиқарувчилар билан уларни истеъмол қилувчиларнинг ўзаро муносабатларида муҳим ўзгаришлар рўй беради.

Таҳминий чамаларга кўра, 1991 йилда озиқ-овқат моллари бозорида қуйидаги ўзгаришлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас:

Якунга нисбатан фоиз ҳисобида

	1989 йил (амалда)		1991 йил (мўлжал)	
	қатъий нархлар	эркин ва бошқариладиган нархлар	қатъий нархлар	эркин ва бошқариладиган нархлар
Бевосита давлат ва кооператив савдоси орқали сотиладиган озиқ-овқат моллари, жами	92	8	60	40
Шу жумладан:				
Чорвачилик маҳсулотлари	88	12	75	25
Деҳқончилик маҳсулотлари	95	5	47	53
Балиқ маҳсулотлари	98	2	70	30

Озиқ-овқат ресурсларини вужудга келтириш системасининг ўзида муҳим ўзгаришлар белгиланмоқда. Ҳозир бу ресурслар давлат буюртмалари ҳамда умуминиттифоқ ва жумҳуриятлар фондларига, шунингдек маҳаллий таъминот учун маҳсулот етказиб бериш топшириқлари асосида ҳосил қилинмоқда.

Хўш, келгусида нима қилмоқ керак? Икки йўлдан бориш: бундан буён ҳам маҳсулот етказиб бериш тўғрисида колхоз ва совхозларга давлат буюртмаси бераверіш ёки маҳсулотни эркин харид қилишга тўла-тўкис ўтиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги кўрсатма бериш қуроли сифатидаги бундай давлат буюртмаси ер ва кооперация тўғрисидаги қонунларга мувофиқ келмайди. Айни вақтда эркин харид қилишга ва шартнома нархларига ўтилиши харид нархларининггина эмас, чакана нархларнинг ҳам ошиб боришига олиб бориши мумкин ва охир оқибатда озиқ-овқат бозорининг мувозанатсизлигини баттар кучайтиради.

Мана бундай йўл танлаб олинди. Умумдавлат ва регионлараро озиқ-овқат ва хом ашё эҳтиёжини кафолатли равишда қондириш учун ўтиш даврида СССР ҳукуматининг умуминиттифоқ фондига озиқ-овқат етказиб бериш ҳақидаги давлат буюртмасини фақат иттифоқдош жумҳуриятларгагина беришни сақлаб қолиш кўзда тутилади. Жумҳуриятлар фондларини вужудга келтиришга келганда, уларнинг ҳажмини иттифоқдош жумҳуриятларнинг Министрлар Кенгашлари белгилайдиган бўлади.

Умуминиттифоқ талаблари, жумҳуриятларнинг эҳтиёжлари ва маҳаллий таъминот учун давлат буюртмасини кафолатли таъминлаш мақсадида иттифоқдош жумҳуриятлар натура солиғини жорий этадилар. Бу солиқни колхозлар, совхозларга ва бошқа қишлоқ маҳсулот етиштирувчиларига маҳсулотнинг асосий турлари: дон, чорва ва парранда, сут, пахта, зиғир маҳсулоти, қанд лавлаги, кунгабоқар ва жун юзасидан белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда. Солиқнинг конкрет миқдорларини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилайдилар.

Ҳукумат айниқса чет эллардан озиқ-овқат харид қилиш борасида ташқи иқтисодий алоқаларни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар эҳтимолини ҳам кўриб чиқди. Ҳозир мамлакат озиқ-овқат маҳсулотларини чет эллардан сотиб олишга 12 миллиард валюта сўмидан кўпроқ маблағ сарфламоқда. Бизнинг чет элларга сотаётган маҳсулотларимиз эса бунинг ўндан биридан ҳам ошмайди. Бозор иқтисодиётига ўтишда республиканинг эҳтиёжлари учун озиқ-овқат молларини чет эллардан сотиб олиш шарт-шароитлари тўғрисидаги масалани принцип жиҳатдан ҳал қилиш керак.

Пишиқ-пухта озиқ-овқат запасларини вужудга келтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Иттифоқ миқёсида бундай запаслар мутлақо етарли эмас, республикаларда, айниқса областлар ва ўлкаларда эса бундай запаслар мутлақо йўқ. Бинобарин, истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун республика даражасида ҳам озиқ-овқатнинг зарур запасларини ва келгуси даврга ўтадиган жамғармаларини вужудга келтириш керак.

Истеъмол бозорининг ташкил этилиши

Ўртоқлар!

Бозор типидаги иқтисодиётга ўтиш соҳасидаги чора-тадбирларнинг самарадорлиги охир оқибатда истеъмол бозорини барқарорлаштириш ва уни маҳсулотлар билан мўл-кўл таъминлаш даражасига қараб шунингдек, шу маҳсулотларнинг сифат ўзгаришларига қараб баҳоланади. Бу гап аввало товар оборотининг структурасига тааллуқли бўлади: бозорда техникавий жиҳатдан мураккаб моллар ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар, мебель, ёғоч ва қурилиш материаллари, кўплаб талаб қилинаётган бошқа маҳсулотлар улуши анча кўпайтирилиши лозим. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида боя гапирган эдим.

Ишлаб чиқариш структурасини истеъмол соҳасининг фойдасига қайта қуриш соҳасида кейинги вақтларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва мудофаа корхоналарининг ўзгартирилиши ҳозирнинг ўзидаёқ самара бера бошлади. Ҳукуматнинг маълумотномасида аниқ рақамлар кўрсатилган. Тўрт ой мобайнида машинасозлик комплексида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 18 фоиз, мудофаа комплексида 22 фоиз кўпайганинигина эслатиб ўтаман.

Бу сиёсат келгуси беш йилликда фаол давом эттирилади. Натижада 1992 йилдаёқ биз рангли телевизорлар ишлаб чиқаришни 1989 йилга нисбатан 2,2 миллион дона, видеомагнитофонлар ишлаб чиқаришни 600 минг дона, тикув машиналари ишлаб чиқаришни қарийб 1 миллион дона, мотоблоклар ишлаб чиқаришни 380 минг дона ёки 3,7 баравар кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Бозор муносабатларининг қарор топиши эркин ва бошқариладиган нархлар билан сотиладиган моллар улуши кўпайишига олиб келади, албатта. Бу иттифоқдош ва автоном республикаларда, ўлкалар ва областларда товар миқдорини истеъмол қилиш ва жойлаштиришдаги асоссиз тафовутларни тезроқ тугатиш имконини берадиган жуда муҳим шартдир.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, 1991 йилдаёқ ашёвий халқ истеъмол моллари умуминиттифоқ бозорида қуйидаги ўзгаришлар рўй бериши эҳтимоли бор:

Товар оборотига нисбатан фоиз ҳисобида

	Қатъий давлат нархлари билан сотилади	бошқариладиган нархлар билан сотилади	эркин нархлар билан сотилади
Енгил саноат моллари	60	30	5—10
Маданий-маиший ва рўзғор моллари	40	35	25

Шу муносабат билан савдо-сотиқни ўзгартириш муаммосига тўхталиб ўтмоқчиман. Бу соҳада амалий тижорат фаоллигини қайтадан тиклаш, талабнинг ўзгаришини ўрганишни йўлга қўйиш, савдо-сотиқнинг моллар ишлаб чиқариш структураси ва ҳажмига таъсирини кучайтириш айниқса зарур.

Бу ўринда, чамаси, чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланадиган ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналар асосий роль ўйнаши керак. Улар олдида савдо-саноат уюшмаларини, бирлашмалар, акционерлик жамиятлари, савдо уйлари ва фирмалари барпо қилиш учун катта имкониятлар очилмоқда, уларнинг фаолияти тобора кўп даражада айрим регионлар доираси билангина чекланиб қолмайди.

Бу йўл савдо идоралари, трестлар, бошқармаларнинг маъмурий-бошқарув структураларидан воз кечиш имконини беради, чунки улар товар бозорларида ҳукмронлик қилиб келдилар ва савдо корхоналари ишининг пировард натижаларидан бевосита манфаатдор эмас эдилар.

Айни вақтда ҳукумат ҳисоблайдики, бозорга ўтиш босқичида умумдавлат ва республикаларо эҳтиёжларни таъминлайдиган муайян моллар оқимини давлат йўли билан тартибга солишни сақлаб қолиш муҳимдир.

Бундай тартибга солишдан воз кечиш умуминиттифоқ истеъмолчиларини таъминлашда кафолатлар заифлашиб қолишига, айниқса ҳозирги вақтда озиқ-овқат ва ашёвий молларнинг кўпчилик қисмини бошқа республикалардан, ўлка ва областлардан ташиб келтирадиган регионларда кўпгина турдаги маҳсулотлар билан таъминлашда узилишларга олиб келиши мумкин.

СССР Министрлар Совети ашёвий молларнинг айрим турлари учун республикаларга, шунингдек Иттифоқ корхоналарига давлат буюртмасини сақлаб қолиш зарур, деб ҳисоблайди. Шу буюртма асосида маҳсулот олиш учун кафолатли ҳуқуқ билан таъминланган истеъмолчиларга норма белгилаб қўйилади. Бозор қарор топишига қараб бундай нормаларга зарурат қолмайди, албатта.

Ҳозир истеъмол бозори катта қийинчиликларга дуч келаётганини, унинг беқарорлиги тобора кучайиб бораётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бошқариладиган бозор муносабатларига ўтилиши билан, чамаси, бозорни ҳимоя қилишнинг узлуксиз ва жуда самарали системаси зарур бўлиб қолади. Ҳукумат бозорда таркиб топаётган вазиятни доимо назорат қилиб боради ва зудлик билан тегишли қарорларни қабул қилиб туради.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Ўртоқлар!

Жаҳон тажрибаси жаҳон хўжалик алоқаларида фаол иштирок этаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти суръатлари анча юқори эканлигини кўрсатди.

Равшанки, Ватанимиз бозори ҳам жаҳон бозоридан девор билан ажратиб қўйилмаслиги лозим. Аммо бунинг учун ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам тубдан ўзгартириш лозим бўлади. Ташқи иқтисодий фаолиятни маҳаллийлаштириш ва бундай фаолият шароитларини янада осонлаштириш, айни бир вақтда иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларга таяниб, давлат йўли билан самарали тартибга солиб туришни таъминлаган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятда таркиб топган монополия тузилмаларини бекор қилиш ана шу ўзгартишларнинг асосини ташкил этади. Янги шароитда бу соҳада корхоналар асосий куч бўлади. Амалий операцияларнинг соҳаси ва шаклларини мустақил танлаб олиш, республика ва Иттифоқ бюджетлари билан ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг ўз ҳисоб варақаларига ўтказилган валюта тушумларидан мустақил фойдаланиш корхоналарнинг қонуний ҳуқуқидир.

Валюта харажатларини ўзи қоплашнинг ҳозирги қатъий чегараларини ҳам ўзгартириш зарур бўлади. Мамлакатда барпо этиладиган валюта бозори бунга кўмаклашади.

Биз шунга асосланамизки, ташқи иқтисодий фаолиятда, олинадиган валютадан фойдаланишда корхоналарнинг, министрликларнинг, иттифоқдош республикалар ва ССР Иттифоқининг вазифалари аниқ тақсимлаб қўйилиши лозим. Корхоналарнинг валюта жамғармалари аввало ишлаб чиқаришни янгилашга сарфланиши лозим. Ана шу маблағнинг бир қисми илғор умумтармоқ ишлаб чиқаришини ривожлантириш тармоқ программаларини амалга ошириш учун министрликларнинг тармоқ жамғармаларида тўпланиши мумкин.

Ўз навбатида регионларни ривожлантириш учун, шу жумладан истеъмол бозорини таъминлаш учун иттифоқдош республикаларнинг валюта жамғармалари жалб этилиши мумкин. Иттифоқ валюта жамғармаси эса умумдавлат вазифаларини ҳал қилишга, валюта бозорини барпо этишга қаратилади. Вазифалар ана шундай тақсимланганда мамлакатнинг ташқи қарзи ва уни тўлаш манбалари тўғрисидаги масала янгича қўйилади.

Биз янги шароитда ташқи иқтисодий алоқаларни давлат йўли билан тартибга солиб туришни жаҳонда ҳамма томондан тан олинган ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар билан амалга ошириш ниятидамиз. Бу воситалар бож, валюта, инвестиция тўғрисидаги янги қонунлардир, валюта, банк, монополияга қарши, акционерлик, патент тўғрисидаги қонунларга мос келадиган қоидалардир.

Лекин маълум вақт давомида маҳсулотни экспорт қилиш учун давлат буюртмасини, шунингдек рухсатнома ва лицензия беришни сақлаб туришга тўғри келади. Лекин бундай соҳа аста-секин қисқариб, ўз ўрнини экспорт асосларини ривожлантириш, сўмнинг айирбош қилинишининг тадбирларига бўшатиб беради.

Ташқи иқтисодий комплексни хўжалик юритишнинг бозор режимига ўтказишга доир асосий тайёргарлик ишини 1991 йил бошланишигача тугаллаш лозим бўлади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларда жиддий ўзгаришлар содир бўлади. 1 январдан бошлаб жаҳон нархларида ва эркин алмаштириладиган валютада ҳисоб-китоб қилишга ўтиш мўлжалланади.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалиги алоқаларига қўшилиши кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарурати билан бирга сўмнинг эркин алмаштирилиши тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўяди. Бу соҳада биз шу йилдаёқ дастлабки қадам қўйишимиз керак. Сўмнинг курсини ўзгартиришни, уни бошқа валюталар билан реал тарзда мувофиқлаштиришни кўзда тутмоқдаман. Кейинчалик сўм ички нарх ва жаҳон валюта талаблари ўзгаришига қараб чақкон ўзгариб бориши керак.

Халқ хўжалигида вужудга келган аҳвол, ишлаб чиқариш имкониятларини янгилаш зарурлиги чуқур структура қайта қуриши мумкин бўлган барча ўз ресурсларимизни сафарбар этиш билан бир қаторда мамлакатга чет эл капиталини жалб этишнинг янги шаклларидан фойдаланишни талаб қилади. Чет эл капиталининг ўзаро мақбул шартлар билан мамлакатга келишини кучайтириш зарур.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солиш, 1991 йил давлат планини ишлаб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари ва ўн учинчи беш йиллик планини тузишга муносабат

Ўртоқлар!

Мамлакатимизда шакллантириш бошланган иқтисодий модель бошқариладиган бозор иқтисодиёти деган ном олди.

Унга бундай таъриф беришнинг туб моҳиятини нимада ва бозор иқтисодиётида давлат йўли билан бошқариш қандай ўрин тутиши лозим?

Биринчидан, давлат диққат-эътиборни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини фаразлашга, унинг мақсадлари ва устун жиҳатларини белгилашга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини ишлаб чиқишга қаратади.

Иккинчидан, давлат ўз иқтисодий сиёсатини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқаршга молиявий-иқтисодий таъсирни тартибга солиб туриш вазифасини зиммасига олади.

Учинчидан, давлат иқтисодиётга бевосита таъсир ўтказиш воситаларини ўз қўлида сақлаб қолади.

Сизларга маълумки, СССР халқ депутатларининг иккинчи Съезди СССР ҳукуматига 1990 йил сентябрига қадар ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишни топшириди. Унда беш йиллик икки даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак: бозор муносабатлари энди шакллана бошлайдиган ва анча муфассал план топшириқлари талаб қилинадиган 1991-1992 йиллар; бозор амал қила бошлайдиган ҳамда планнинг мазмуни ва характери тубдан ўзгарадиган 1993-1995 йилларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

Бозор шаклланишининг дастлабки босқичида иқтисодиётнинг ривожланиши ноаниқликнинг кучайиши, кўпгина жараёнлар оқибатини олдиндан билиб бўлмаслик билан характерланиши мутлақо равшан. Бундай шароитда 1991-1995 йиллар учун беш йиллик план тузиш амалда мумкин эмас. Уни ҳамиша ўзгартириб туришга тўғри келади.

Шу билан бир вақтда, айниқса бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичларида мамлакатни планли тартибга солишдан маҳрум қилиш ҳам мумкин эмас. Шу сабабли СССР Министрлар Совети ҳозир 1991 йил планини тузишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди ва бу план лойиҳасини СССР Олий Советига тақдим этиш тўғрисида таклиф киритади.

Албатта, бу планли ишланмаларни иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан уйғунлаштирувчи алоҳида ҳужжат бўлади. Бунда барча ҳисоб-китоблар нарх-наво, солиқлар ва кредит муносабатларининг янги системаларидан келиб чиқиб, тўла-тўкис бажарилади. Ана шундай планга эга бўлиб ва бозорнинг айрим жиҳатлари тайёр бўлган сайин улардан ишлаб чиқаришга таъсир этишнинг марказлаштирилган усуллари ўрнига изчиллик билан фойдаланиб, бозорга силлиқроқ ўтишни таъминлаш лозим бўлади.

Беш йиллик планга келганда эса, уни 1992 йил плани билан бир вақтда тузиш таклиф этилади.

Ҳукуматнинг фикрича, бошқарувнинг ташкилий структурасида бўлиши кўзда тутилаётган ўзгартишлар тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Ҳозир министрликлар ва идоралар бажараётган вазифаларнинг кўпи изчиллик билан қуйига, корхоналар, бирлашмалар, уюшмалар ва концернларга берилади. Бошқа вазифаларнинг бир қанчасини ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, фирмалар ва бошқа бозорга хос бўлган тузилмалар ўз зиммасига олиши мумкин. Конкрет ўзгартишлар ҳам қилиш керак, лекин бунинг учун шароит етилгандагина қилиш лозим. Бу жараён ҳозирдаёқ давом этмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 24 та концерн, 17 та тармоқлараро давлат бирлашмаси, 346 та уюшма ва 40 та консорциум ишлаб турибди. Ҳаммаси бўлиб халқ хўжалигида 600 га яқин ана шундай бирлашма тузилган. Шу сабабли вазифа бошқарувнинг у ёки бу органини тугатиш эмас, балки иқтисодий муносабатларни қайта қуришдан ва шунга мувофиқ равишда халқ хўжалигидаги вазифаларни қайта тақсимлашдан иборат.

Биз барча тусдаги корхоналарнинг раҳбарларини асосли равишда қайта ўқитиш билан боғлиқ жиддий чоралар кўришимиз лозим бўлади. Ҳозирги пайтда айни бошқарув соҳасидаги кадрлар ички ва ташқи бозорнинг амал қилиши воситасини, ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларини бошқаришнинг иқтисодий усулларини ўрганишга муҳтождирлар. СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирларининг асосий қоидалари ана шулардан иборат, ўртоқлар.

Жамиятимизни тубдан янгилаш йўлидан қатъиян олға боришга умумий интилиш, ўртага қўйилган муаммоларни кўриб чиқишга амалий тарзда ва масъулиятли ёндашув қайта қуришнинг моҳиятига, унинг орзулари ва мақсадларига мос келадиган теран ва ҳар томонлама пухта қарорлар қабул қилишга ёрдам беради, деб умид қиламан.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 04570. № 119. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12